



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
22-iyul
chorshanba
№ 29 (1507)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqq boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * f Hurriyat gazetasi

2 АВГУСТ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ТЕМИР ИЗЛАРДА КЕЧАЁТГАН ТАҚДИРЛАР

Йўл – бу тараққиёт, янгиланиш ва ривожланган жамият тимсолидир. Агар дарёлар табиатнинг қон томирлари бўлса, темир йўллар мамлакат иқтисодиётининг қудратли артериялари ҳисобланади. Улар орқали юклар ташилади, узоқ масофалар яқинлашади, шаҳарлар ва саноат марказлари ўзаро боғланади.

Улкан меҳнат, матонат ва бунёдкорликнинг ёрқин намунаси бўлган Навоий кон-металлургия комбинатининг энг муҳим бўғинларидан бири — Марказий кон бошқармасига қарашли Темир йўл транспорти бошқармасидир. Бугун мазкур жамоа ўзининг 60 йиллик шарафли тарихи билан юртимиз саноат сономасида муносиб ўрин эгаллаб турибди. Бу давр Қизилқум бағрини ўзлаштириш, янги шаҳарлар барпо этиш, мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилган инсонлар тақдирининг ажралмас қисмидир.



1966 йилда асос солинган мазкур бошқарма аср мўъжизаси дея эътироф этилган — “Мурунтов” олтин кони ўзлаштирилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Олтин қазиб олиш кони, гидрометаллургия заводи, сув иншоотлари ва янги шаҳар қуриш каби улкан бунёдкорликларни темир йўл транспортисиз тасаввур қилиб бўлмасди.

Ҳозирги кунда Темир йўл транспорти бошқармаси энг замонавий ҳаракат таркибига, юқори технологияли ускуналарга ва ўз касбининг ҳақиқий усталари бўлган ма-лакали мутахассисларга эга қудратли саноат тизимига айланди. Сўнгги йилларда амалга оширилган модернизация ва маҳаллийлаштириш ишлари туфайли маъдан ташиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этяпти.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

Темир йўл транспорти бошқармасида турли касб эгалари меҳнат қилмоқда. Жамоа меҳнатсеварлиги ҳамда ишга профессионал тарзда ёндашиши билан ишлаб чиқариш вазифалари сўзсиз бажарилиб, юқори сифатли Қизилқум олтини ишлаб чиқарилишига муносиб ҳисса қўшяпти.

Корхонада амалга оширилган инвестицион лойиҳалар ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Жумладан, 2021 йил октябр ойдан Навоий кон-металлургия комбинати тарихида биринчи бор Темир йўл транспорти бошқармаси Йўл хизматининг янги ташкил этилган участкаси ёрдамда “Балпантов” ва “Томдибулок” кон-

лари негизда қазиб олиш карьерини қуриш” инвестиция лойиҳаси доирасида темир йўл устки қисми қурилиш ишларини амалга оширишни бошлашди. 2022 йилда “Балпантов” ва “Томдибулок” конлари учун узунлиги 35 километр темир йўл устки қисми ва 9 та стрелкали ўтказгичлар ётқизилди.

Уша йили “Мурунтов кони негизда қазиб олиш карьерини ривожлантириш V навбати” инвестиция лойиҳаси доирасида қўшимча 600 метр узунликдаги темир йўл ва 2 та комплект стрелкали ўтказгичлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. “Чуқурқудук” кони инвестиция лойиҳаси доирасида 5 километрдан ортиқ темир йўл ва 13 та стрелкали ўтказгич ётқизилиб, марказлаштириш, бошқариш ва алоқа қурилмалари билан жиҳозланди.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ИНТЕРНЕТ НАШРЛАРИ ФАОЛИЯТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Коммуникациялар департаменти ташаббуси билан интернет нашрлари раҳбар ва ходимлари, медиа соҳаси мутахассислари ҳамда ҳудудий интернет ОАВ вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу мулоқотда интернет нашрлари фаолиятини ривожлантириш, журналистларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ҳамда ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.



Учрашувда журналистика ва ОАВ соҳасини ривожлантиришга қаратилган комплекс норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан фикр алмашилди. Интернет ОАВ аудиториясини кенгайтириш, контент сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, таҳририятларнинг ташкилий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг замонавий медиа маконидаги ролини кучайтириш бўйича таклифлар билдирилди. Мазкур таклифлар асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар интернет нашрлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мамлакатимиз медиа маконини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

ФИКР

БАРЧАМИЗ ДАХЛДОРМИЗ




Коррупция деган иллатнинг илдиэлари ўтмишнинг чуқур қатламларига бориб тақалади. Одамзод давлат бошқарувини йўлга қўйган даврданоқ, мансабдан шахсий манфаат йўлида фойдаланиш ҳолатлари кузатиб келинган.

Тарихий манбаларга кўра, қадимги Бобилда судьялар пора олгани учун жазолангани ҳақидаги ёзувлар топилиган. Шарқ манбаларида эса “порахўрлик — давлатнинг ҳалокати”, дея таъкидланган. XIX аср охирида Туркистон ўлкасида амалдорлар ер ажратиш ёки савдо рухсатномаларини беришда “гаплашиб олиш”ни одатий ҳолга айлантирган эди. Ўзига берилган ваколатни суиистеъмол қиладиган нафс бандалари ҳар доим бўлган.

XXI асрда дунёда коррупцияга қарши кураш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда бу масалага катта эътибор қаратилмоқда. 2023 йилда “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди. Фармонда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, давлат органлари фаолиятида очиқлик, ҳисобдорлик ва тенглик тамойилларини жорий этиш вазифалари белгилаб берилган.

ЗИЁРАТ



Мўъжизалар диёри (ЭССЕ)

ХАЙРЛИ САФАР

Боболаримиз дунё кезишни, саёҳат қилишни яхши кўрганлар. Буни “табдили ҳаво”, яъни ҳаво алмаштириш деб таърифлаганлар. Инсон умрида ҳар хил сафарлар бўлади: дунё кезиш, хизмат сафари, зарурий сафарлар, ижодий сафарлар, ҳавас билан қилинган сайру саёҳатлар... Ҳаммаси ҳам керакли, ўз ўрнида манфаатли. Лекин шундай бир сафар борки, у мусулмон кишининг умрида амалга ошириши фарз бўлган ҳаж сафаридир. Банда эсини таниганданоқ ушбу сафарни орзу қилади, умри давомида бу қўтлуғ сафарга тадорик қўриб боради, йиллар давомида тайёрланади...

Ҳа, бу муборак сафарнинг номи — муқаддас Ҳаж сафари. Бу сафарларнинг энг улуғидир.

Бу илоҳий амални адо этиб келиш насиб этган кишилар ўзларини нихоятда бахтиёр сезадилар,

тиллари шукрона айтишдан тинмайди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам умрларида бир марта Ҳаж сафарини амалга оширган эканлар.


Ушбу сўзларим, албатта, “ҳисобот” эмас, балки кўнглимдан кечган миннатдорлик ва шукроналик изҳорларидир. Уларни азиз ўқувчилар билан баҳам кўришни истайдим.

Ҳаройиб ҳодисадан ҳали-ҳануз ҳайратдаман. Насиб этганига шукр қиламан. Камина бир гуруҳ (улар нақ юз киши!) Янги Ўзбекистон фуқаролари қаторида “Президент ҳожилари” сафига киритилганимдан бошим осмонга етди! Бу ёлғиз менинг сўзим эмас, ҳамсафарларимнинг барчаси шундай дейишади.

ТАЛҚИН

ХОРАЗМДАН ЧИН ЮРТИГА

ёки хоразмлик хитойшунос



XXI асрда фан ва техника ривожланиб, имкониятлар кўпайган даврда ўзи яшаб турган ҳудуддан бошқа ўлкаларга турли мақсадларда бориш ҳам одат тусига кирди. Кимдир иш, кимдир дам олиш, яна бировлар ўқиш ёки илмий изланиш туфайли хорижга йўл олади. Энг асосийси, дунё сари отланган инсоннинг дунёқараши кенг бўлгани маъқул. Негаки, унлаб, юзлаб диёрларга сафар қилиш мумкиндир, аммо инсонда ҳайратланиш ҳисси бўлмаса, унинг сафари қарғанинг учишидек гап.

Шу боисдан ҳам ўтмишда бир ҳудуддан бошқасига юзлаб элчилар, савдогарлар ва бошқа касб соҳиблари тақдирини азал сабаб сафар қилишган. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ибн Баттута, Марко Поло, Клавио, ибн Фадлон, Женинсон, Ризоқулихон, Аминаддин Ёқуб, Бобоохун Салимов сингари турли диёрларга қилган ташрифни сафарнома тарзида битиб қолдирмаган. Бу худди ибн Сино яшаган даврдаги ундан ҳам кучли табибларнинг фақат одам даволаб, тажриба ўтказиб, билганларини ўзи билан у дунёга

олиб кетишидек гап. Яъни кўргани, англагани, ҳайратлангани, мақсаду муддаоларини ёзма битикда қолдирган инсоннинг умри, саёҳати унинг вафотидан кейин ҳам авлодлар қалбига давом этаверади. Шу маънода, ўтмишдан фарқли ўлароқ, самолёт, поезд ва автомашиналарда юз минглаб инсонлар бир ҳудуддан бошқасига ҳаракатланмоқда. Клавио, Марко Поло, Ризоқулихон сингари отда, туяда минг машаққатлар чекиб сафар қилиш олис тарихда қолди.



ТЕМИР ИЗЛАРДА КЕЧАЁТГАН ТАҚДИРЛАР



1-6

2023 йилда “Турбай–3-гидрометаллургия заводи” инвестиция лойиҳаси доирасида қисқа вақт ичида 47 километр темир йўл ва 9 комплекст стрелкали ўтказгичлар қуриб, фойдаланишга топширилди.

Эътиборли жиҳати, комбинатда амалга ошириб келинаётган маҳаллийлаштириш дастури бўйича жами 97 та вагоннинг хизмат муддати узайтирилди. Бунинг натижасида вагонларнинг навбатдан ташқари таъмирлаш ишларига жалб этилиши олдинги йилларга нисбатан қарийб 70 фоизга қисқарди. Ағдарма-вагонни четдан харид қилиш нархи 3 млрд 202 млн 744 минг сўмдан ортиқроқ бўлса, уни Вагон хўжалиги маҳаллийлаштириш цехида йиғиш учун атига 522 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланяпти, — дейди Темирийўл транспорти бошқармаси бош муҳандиси Сухробжон Назаров.

Хозирги кунда вагонларни таъмирлаш учун зарур эҳтиёт қисмларни Навоий машинасозлик

минг нафарга яқин ишчи-хизматчиларни ҳар кунги Зарафшон шахридан “Бессопан” sanoat майдонига ишга олиб келиш ва аксинча “Бессопан” sanoat майдонидан Зарафшон шахрига ишдан олиб қайтишда қулайликлар яратилди.

ЛОКОМОТИВ ХИЗМАТИ – МУҲИМ ТАРМОҚ

Локомотив хизмати жамоасининг асосий вазифаси олтин таркибли маъданини ташиш жараёнига жалб қилинган тепловозларга техник хизмат кўрсатиш, уларни доимо соз ҳамда ишга шай ҳолатда бўлишини таъминлашдан иборат.

Локомотив хизмати иккита локомотив депо-сидан ташкил топган бўлиб, улар “Зарафшон” ҳамда “Бессопан” майдонларида жойлашган. Локомотив депоси “Зарафшон” майдони ҳаракат таркибини мукамал таъмирлаш учун Темир йўл транспорти бошқармасининг асосий таъмирлаш базаси ҳисобланади. Бу ерда локо-

хизмат кўрсатиш амалга оширилади. Бошқармада яратилган шарт-шароитлар ва қулай инфратузилмалар таъмирлаш ишларининг сифатли ва тўлақонли бажарилиши учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Ўтган йиллар давомида олиб борилган амалий ишлар ҳамда маҳаллийлаштириш дастури асосида тепловозларни жорий ҳамда капитал таъмирлаш ишлари корхонанинг ўзида амалга оширилмоқда. Корхонадаги тепловозларни таъмирлаш учун зарур бўлган, меҳнат унумдорлиги ва таъмирлаш сифатини оширишда қўл келадиган қўл турдаги ускуналар харид қилинди.

Йиллик режани ўз вақтида бажариш мақсадида Локомотив хизмати тепловозлар парки йилдан-йилга кенгайиб, замонавий локомотивлар билан янгиланмоқда. 2020-2026 йилларда саккизта магистрал тепловоз харид қилинди. Бугунги кунга келиб, тепловозлар сони 35 тага етди. Бошқармада хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши натижасида бир суткада ўртача 160 минг тоннадан ортиқ тоғ массаси ташишга эришиляпти.

СУЛОЛА АНЪАНАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

Халқимизда “Отасига кўра – боласи, дарах-тига кўра – меваси” деган нақл бор. Бу ҳикмат замирида чуқур маъно мужассам. Зеро, инсон ўз меҳнати билан нафақат рўзгор тебратди, балки келажак авлод учун ҳаёт мактаби, маънавий мерос ва муносиб йўл қолдиради.

Темир йўл транспорти тизими ана шундай меҳнат анъаналарига бой соҳалардан бири ҳисобланади. Бу тизимда ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида бир оиланинг уч авлоди меҳнат қилиши нафақат бир сулола, балки бутун соҳа учун фахр ва ибрат намунасини...

Сулолалар фаолият юритаётган корхоналарда жамоавий муҳит барқарор, иш сифати ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Чунки бундай оилаларда меҳнат маданияти, касбга ҳурмат ва жамоага садоқат бориқдан тарбияланади.

Тошпўлат Мўминов Темир йўл соҳасида ҳар бир технологик жараён катта масъулият талаб қилишини фарзандларию шогирдларига тушунтириб келди. У 35 йиллик меҳнат фаолиятдан сўнг темир йўл тизимидан нафақага чиққан. Хозирда комбинат фахрийси. Унинг ўғли Акмал Мўминов Шимолий кон бошқармасининг

Темир йўл транспорти бошқармаси бош муҳандиси, унинг невараси Абдулазиз Мўминов яқинда олий ўқув юртини тамомлаб, бошқармада чилангар бўлиб иш бошлади. Ярим асрдан зиёда вақт давомида соҳада фаолият кўрсатган уч авлод вакилларининг меҳнат йўли алоҳида аҳамиятлидир. Катта авлод оғир шароитларда меҳнат қилиб, соҳанинг мустаҳкам пойдеворини яратган бўлса, иккинчи авлод уни ривожлантириш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшди. Бугунги ёш авлод эса рақамли технологиялар, замонавий техникалар ва инновацион ечимлар асосида ушбу шарофли анъанани давом эттирмоқда.

УСТОЗ МАШИНИСТ МАКТАБИ

Хаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг меҳнат йўли фақат шахсий ютуқлари би-



лан эмас, балки тарбиялаган шогирдлари ва эл-юртга келтирган нафи билан ўлчанади. Темир йўл транспорти тизимида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб келаятган тажрибали тепловоз машинисти Ихтиёр Раҳимов ана шундай инсонлар сирасига қиради.

Қарийб ўттиз йилдан зиёд меҳнат фаолияти давомида у ўз касбини юксак масъулият ва фидойилик билан адо этиб келмоқда. Темир йўл соҳаси ҳар ким ҳам эппай оладиган касб эмас. У машинистдан мустаҳкам ирода, чуқур билим, юқори малака, интизом ва энг муҳими, инсонлар ҳаёти учун жавобгарлик ҳиссини талаб қилади. Ихтиёр Раҳимов ўзининг касбий маҳорати ва бой тажрибаси билан меҳнат жамоасида алоҳида ҳурмат қозонган.

Бугун Ихтиёр ака тарбиялаган ўнлаб шогирдлар темир йўл транспорти тизимининг

турли бўлинмаларида самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Улар устозидан нафақат локомотив бошқариш сирларини, балки ҳалол меҳнат қилиш, интизомли бўлиш, жамоага садоқат ва касбга муҳаббат туйғуларини ҳам ўргандилар. Бу эса ҳар қандай устоз учун юксак эътироф ва энг катта бойлиқдир. Ихтиёр Зайниддиновичнинг шогирдлари, тепловоз машинистлари Бобур Расулов, Шухрат Муҳаммадиев, Толиб Ортиқов, Шавқиддин Темиров, Раҳим Аҳмедовлар соҳада қарийб ўн йиллик тажриба тўплаб қўйишди. Улар ҳар сменада ўртача олти минг тоннага яқин маъданларни ташиётганлигини ҳисобга олсак, ўтган давр мобайнида қанча маъдани темир излар орқали заводга ташиб беришганини тасаввур этиши қийин эмас.

И.Раҳимов бугун ҳам тажрибали машинист сифатида ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб, уларни масъулият ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Чунки у, темир йўл соҳасининг эртанги кунли билимли, малакали ва фидойи ёшлар қўлида эканлигини яхши англайди.

Инсонни улуғлайдиган, эл орасида унинг қадр-қимматини оширадиган энг буюк бойлик — бу унинг билими, касб маҳорати ва ҳалол меҳнати. Айнан шу юксак қадриятлар Темир йўл транспорти бошқармаси жамоаси фаолиятида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Авваллари темир йўл тармоқларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ишлари катта маблағлар эвазига пудратчи ташкилотлар томонидан амалга оширилган эди. Қувонарли жиҳати, ҳозирда ушбу катта ҳажмдаги ишларни ушбу жамоа бирдамликда амалга ошириб келмоқда.

Темир йўл транспорти бошқармасида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш давом эттирилмоқда. Корхона ташкил топганлигининг шонли санаси ва касб байрамини муносиб кўтиб олаётган аҳил жамоа янги марралар ва янги галабалар сари интиломоқда. Бошқарма ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари келгусида 2-гидрометаллургия заводида йиллик етказиб бериладиган олтин таркибли маъдан ташиш ҳажмини 60 миллион тоннага етказишдек эзгу ният билан меҳнат қилмоқдалар.

Азамат ЗАРИПОВ,
журналист.

МУНДИАЛДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

ТАСОДИФГА ИШОНИБ... ОМАД КУТИЛМАС!

Эркактлар орияти қўзғалганда ва ожиз қолгандагина унсиз йиғлайди...

Мана, футбол бўйича навбатдаги Жаҳон чемпионати тугаб, галвир сувдан кўтарилди. Кимга тўй, кимга аза бўлди! Курраи заминнинг қирқ саккизта мамлакатидан ташриф буюрган зарангоёқлар ўзларининг кимлигини, нималарга қодирлигини яхшигина билиб олишди. Кейинги ўн беш йил давомида бир неча олтин тўпларни, энг нуфузли, дунёвий совринларни бисотларига қаторлаштириб ташлаган ҳатто афсонавий Месси Мессилигини, Роналду Роналдулигини қилолмади. АҚШ, Канада ва Мексикада ниҳоясига етган Жаҳон чемпионати якунланиши билан уларнинг “гуллаган” даврига ҳам нуқта қўйилди. Бу гал Испания футболчилари ўзини кўрсатди.

Ҳамма-ҳаммадан бир бош устунлигини майдонда адолатли ва ҳалол намойиш қилди. Ҳайратланарлики шуки, салкам бир минг уч юзга яқин футболчиларнинг фақат биргинаси испанлар дарвозасига тўп кирита олди. Жаҳон чемпионатининг саккизта қақшатқич учрашувда дарвозасидан атиги биргина тўп олиб чиқishi ҳамма эриша оладиган натижа эмас. Қўйил қолиш керак! Уларнинг ҳимояси оддий ҳимоя эмас, балки мустаҳкам темир қўрғон эканлиги маълум бўлди.

Ҳа, Жаҳон чемпионати тугадими, тугади! Хўш, унда илк бор қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси ҳақида қандай фикр ва мулоҳазалар билдириш мумкин? Йўл қўйилган ҳа-толарнинг, бой берилган имконият ва йўқотишларнинг сабаблари нималарга бориб тақалади? Табиийки, терма жамоамизнинг энг катта муаммоси ҳар доимгидек мураббийлар масаласи билан боғлиқ бўлди. Бу шахсий фикр, албатта. Яна ҳам аниқроғи, Серечко Катанецдан кейин бизникилар бош мураббийга ёлчимади. Катанецнинг вориси Тимур Кападзе аввалига жиловни қўлга олгандек кўринди. Бироқ футболимиз раҳбарлари терма жамоамиз учун хориждан бошқа мураббий ахтаришга тушгани Тимурнинг ҳафсаласини пир қилган бўлса, ажаб эмас.

Аслида, Каннаваронинг ўттизга тенгсиз футболчи бўлганлигини ҳеч ким инкор қилолмайди. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, зўр футболчи дегани келажакда ундан кучли мураббий чиқишини билдирмайди. Шунингдек, Каннаваро учун жамоамизни Жаҳон чемпионатида тайёрлашда вақт масаласи жуда қисқалиқ қилди. Италиялик мутахассис ҳар қандай учрашувда асқатадиган янги футболчиларни шахсан ўзи кашф қилишга ҳам улгурмади ҳисоб. Футболда битта зўр футболчини кашф қилиш, таниб қолиш ва терма




жамоага бемалол таклиф қилиш учун унинг бир неча ўнлаб, юзлаб ўйинларини обдан таҳлил қилиш лозим. Каннаваро айнан мана шу масалада таҳмин қилишга мажбур бўлди чоғи. Мураббийнинг ишончига қирган ҳар қандай футболчидан катта-катта мусобақаларда маҳорати билан рақибларнинг тўрт-бешта аъзосини шошириб қўйиши талаб этилади. Бизнинг терма жамоамизда бундай бўлмади. Бош мураббий чемпионат давомида турли тавсия ва таклифлар асосида ишлади. Унинг қўли билан эски футболчиларга янги либос кийдирилиб, ниҳоятда муҳим вазифа ишониб топширилди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Минг бор таҳлил ва танқид қилинг, вақтни орқага қайтариб бўлмайди.

Шуниси таажжубки, катта футбол байрами, яъни мундиалини ўттиз беш йил кўтиб ҳам, энг биринчи ва тарихий чемпионатни терма жамоамиз сараланган тўлиқ таркиб билан ўткази олмади. Таркибда Жалолиддин Машариповнинг йўқлиги жуда-жуда билинди. Жалолиддин терма жамоамиз аъзоларини ортдан эргаштира оладиган, мураббийларга фикрини ўқтира оладиган, ҳар қандай рақибга қарши кутилмаган хавфни қўллай биладиган, ўйин тизimini қўлдан чиқармайдиган маҳоратли футболчи эди. Афсуски, унинг

имкониятидан фойдалана олмадик. Бу жуда аламли ва оғирлиқ бўлди. Машарипов Жаҳон чемпионатида нима учун олиб кетилди ва яна нима учун бирорта ҳам расмий учрашувда қатнашмасдан ортага қайтарилди? Мантик, мақсад кўринмади...

Хуллас, Жалолиддин Машарипов масаласида шахсан менда жуда жиддий фикрлар бор. Таъкидланишича, унинг соғлиғи панд берибди. Галнинг бўладиганини айтганда, Жаҳон чемпионатида қатнашишни ва яхши натижаларга эришишни мақсад қилган жамоа учун Жалолиддиннинг масаласи доимий диққат-эътиборда туриши шарт эди. Аслида, Жаҳон чемпионатида тайёргарлик деганда жамоа ва футболчилар билан боғлиқ майда-чуйда зарраларни ҳам алоҳида ўрганиш, муаммоларни бартараф этиш тушунилади. Буниси биргина Жалолиддин атрофидаги муаммолар, холос. Агар терма жамоамизнинг бошқа футболчилари билан боғлиқ масалаларни, муаммоларни тўпалайишга ўрганадиган бўлсак, таркибдаги камчиликлар, икир-чикирлар янада қўпайиши эҳтимолдан холи эмас.

8-6



БАРЧАМИЗ ДАХЛДОРМИЗ

1-6

Аммо коррупция — фақат қонун билан йўқ қилинадиган муаммо эмас. У жамиятдаги ҳуқуқий маданият, иқтисодий шароит ва инсоннинг шахсий дунёқараши билан чамбарчас боғлиқ.

Яқинда туманлардан бирида содир бўлган воқеа фикримизнинг исботидир. Туман ҳокимлиги вакили уй қуриш учун ер ажратиб бериш эвазига тадбиркордан 30 минг АҚШ доллари талаб қилган. Ушбу маблагнинг учдан бир қисmini ҳокимга бераётган вақтида ДХХ ходимлари томонидан қўлга олинган.

Коррупцияга қарши кураш фақат жазолаш билан чекланиб қолмаслиги керак. Иллатнинг келиб чиқиш сабабларини йўқ қилиш зарур. Давлат хизматчиларининг моддий таъминотини яхшилаш, уларнинг ишини холис бошлаш тизимини жорий этиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш — бу соҳадаги энг муҳим қадамлардир.

Коррупциявий ҳолатни баҳолашда оддий фуқароларнинг фикри энг ишончли мезон ҳисобланади. Жиззах шахрида яшовчи тадбиркор Дилшод Абдуманнопов шундай деди:

— Илгари айрим рухсатномаларни олиш учун ойлаб сарсон бўлардик, “тезлаштириш” учун эса “кўнгилдан чиқариб” маълум суммани беришга тўғри келарди. Ҳозир кўп ишлар электрон тарзда ҳал бўляпти. Бу коррупция ҳолатларининг олдини олишда қўл келмоқда.

Кўриниб турибдики, замонавий технологияларни кенг жорий этиш ва шаффофлиқни таъминлаш бу иллатга барҳам беришда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Сингапурда давлат хизматчиларининг маоши юқори ва уларнинг ҳар бир ҳаракати шаффоф ҳисобот тизимида қайд этилади.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда “Электрон ҳукумат”, “Очиқ бюджет” каби лойиҳалар амалиётга жорий этилди. Бу тизимлар коррупция йўллари қисқартиришга хизмат қилмоқда. Лекин энг асосий масала — одамларнинг онгини ўзгартиришдир. Чунки иллатни йўқотиш, аввало, инсоннинг ички дунёси ва тапловидан бошланади.

Хуришда СУЮНОВА.



Уларнинг ичида Ватанимизнинг ҳар пучмоғидан келган, ҳалол меҳнати, турмуш тарзи, ҳаёт тутуми билан бошқаларга ўрнак бўлган халқимиз вакиллари — мустақил Ўзбекистон ривожига хизмат қилган турли касб эгалари, меҳнат фахрийлари, онахонлар ва отахонлар бор эди.

Шуни айтиш кераки, “Президент ҳожиси” йўлланмаси деган шарафли рутба юртимизда илк бор муомалага киритилди. Бу ажойиб ҳодиса, дунёда бунақаси бўлмаган бўлса керак. Ҳар қалай, эшитмаганмиз. Бу тарихга олтин ҳарфлар билан ёзилишига асло шубҳам йўқ, аини пайтда бошқа давлат раҳбарлари ҳам бундан ўрнак олсалар ажаб эмас.

Ҳа, бу жуда кутлуғ ташаббус эди! Ташаббус — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси! Бу қуруқ сўз эмас, дўстлар, бу — элга, халққа хизмат қилиш, юртни ўйлаш, инсонларни руҳлантириш ва қадрлашнинг юксак намунасидир. Унинг устига, қутлуғ сафаримиз, айримлар ўйлаганидек, “халқ пули”га эмас, балки Президентимизнинг Қурбон ҳайити муносабати билан хайрига сифатида ўз ҳисобларидан қолганларини эшитгач, биз — “Президент ҳожилари”нинг давлатимиз раҳбарига бўлган ҳурматимиз минг чандон ортди! Бу боболардан қолган анъана — халқ ғамини ейиш, оғирини енгил қилиш, ёрдам қўлини чўзиш, яхшилик кўрсатиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидандир.

**Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами, —**

деб ёзган эдилар бундан беш юз йиллар аввал буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий. Тарихдан маълумки, ўз вақтида “халқим, миллатим” деб жон куйдирган муқарраби ҳазрати султон Мир Алишер Навоий Ҳирот халқининг бир йиллик хирожини тўлаб, халқнинг дуосини олган эканлар. Бу эзгу иш тарих китобларида битилган.

“Президент ҳожилари”га юборилган муборақ табриқни қайта-қайта ўқиб чиқдим, ҳаяжонландим, барчаси инсон қадрини улуғловчи сўзлардан иборат эди: “...Яқиндагина Рамазон ойи давомида муҳтарам Президентимиз томонларидан эҳтиёжманд аҳоли қатлами учун 1 трлн 50 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, бепул жарроҳлик амалиётлари, ифторлик тадбирлари, рамазон ҳадялари, арзонлаштирилган озиқ-овқат ярмаркалари, уй-жойларни таъмирлаш каби қатор хайрли ишлар ташкил этилган эди. Бугун эса эзгу ишларнинг давоми сифатида юртдошларимиздан 100 нафари “Президент ҳожиси” деган улуғ мақомга муносиб топилиб, Ҳаж амалларини бажариш бахтига мушарраф бўлмоқда... Албатта, бу — ана шу инсонпарвар сиёсатнинг, халқимизга, айниқса, эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга қаратаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Бу нафақат сиз учун, балки оилангиз, маҳалла ва бутун мамлакатимиз аҳли учун катта қувонч ва шарафли воқеадир...”

“Президент ҳожилари” ташаббуси, аввало, Давлатимиз раҳбарининг халқимизга бўлган меҳр-эътибори, нуронийлар ва кўмакка муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш борасидаги юксак инсоний ёндашувининг ёрқин намунасидир”.

Жуда залворли ва ибратли сўзлар! Уни ўқиб, ғурурланиб кетасан киши!

Табриқда Ҳаж сафарининг улуғ ибодат экани айтилади. Ҳа, Ҳаж инсон қалбини поклайди, эзгуликка ва бирдамликка чорлайди,

эди. Президент Администрациясидан, Дин ишлари бўйича қўмитадан масъул кишилар Юртбошимиз номидан яхши тилаклар билдиришиб, барчамизни ёруғ кўнгил билан қузатиб қўйдилар.

Самолётимиз парвоз қилар экан, кенг осмонни кўриб, ҳаёл ҳам ўз эригига берилди... Яна Алишер Навоий ёдга тушди. Улуғ зот ҳам муборақ Ҳаж сафарини адо этишга икки-уч бор ҳаракат қилганлар, лекин афсуски, мамлакатдаги нотинч вазият бунга имкон бермаган. Камина улуғ шоиримизга бағишланган “Мангу қуёш” тарихий романимда шу ҳақда мулоҳаза юритган эдим. Мавзуга тегишли бўлгани сабабли, романдан кичик бир парча келтиришга жазм этаман:

“...Ёшлик замонларидан бошлаб Навоий кўнглида Ислмо ҳажини адо этиш нияти, Ҳайр-ул-аном алайҳис-салавоту-с-саломнинг муборақ раъзаларини тавоф қилиш орзуси оромини ўғирларди. “Ҳайҳот, Ё Раб, Ясриб-у Батҳога бормак қачон насиб айлар экан, қачон Маккаи муқаррамага боргаймен, Масжид-ул-Ҳаромда ибодат қилгаймен, Замзам булуғи бўйида дил-дилимдан тарона қуйлгаймен, кўз ёшларимдан ул булоқни денезига айлантиргаймен, қачон Мадинаи мунавварада бўлгаймен, Расулуллоҳ раъзаларини тавоф элгояймен...” — деб ҳаёлларга эрк берарди...”

Бундай озулар жуда кўп боболаримизнинг кўнгилларини ҳам нурлантирганга шубҳа йўқ. Ислмо оламида Маккаи муқаррама билан

ўқигин. Ер сен учун масжиддир”, — деган каломлари эсимга тушди...

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккаи муқаррамадан Мадинага ҳижрат қилиб йўлга чиққанларида, ул зот минган туя келиб-келиб, бир ерда чўкади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Туя маъмурдир”, — дея, қаерда тўхташни туянинг ўзига қўйганлар. Худди шу ерда — тақво асосида — Ислмо оламида биринчи масжид саналган Масжид ул-Қубо бунёд этилган. Расулуллоҳ алайҳиссалом шанба кунлари масжидга гоҳ пиёда, гоҳ уловда келиб, икки ракаат намоз ўқир эканлар.

Қуръони каримнинг “Тавба” сураси 108-оятда шундай дейилган: *“...Биринчи кундан тақво асосига қурилган масжид борки, сиз ўшанда туришга лойиксиз. Унда покликни севадиган кишилар бордир. Аллоҳ эса ўзларини мудом пок тутувчи зотларни севав...”*

Мазкур муборақ оят Қубо масжидининг улуғлиги, катта эътиборга сазовор эканини кўрсатади. Бу воқеалар ҳақида кўп ўқигандим, ҳайратларга тушгандим, лекин муқаддас жойни ўз кўзинг билан кўриш завқи бошқача бўлар экан...

Мадина шахри атрофидаги муборақ жойларга бордик. Машаққатли жанг бўлган Уҳуд тоғи, у ердаги Ал-Боқий саҳобалар қабристонини зиёрат қилдик. Пайғамбаримизнинг: *“Биз Уҳуд тоғини яхши кўрамыз. Уҳуд тоғи ҳам бизни яхши кўради”*, — деган сўзлари машҳур



тоғи”га юзланиб, Аллоҳга тоат-ибодатлар қилдик, раҳмат-мағфиратлар сўрадик. Муздалифада шайтонга отиш учун тошлар териб олдик. Минога қайтиб, шайтонга аёвсиз тошлар отдик...

тобларни нашр этишда қоғоз билан боғлиқ харажатларни давлат томонидан қоплаш... Бундай оғриқли муаммони хал қилиш йўллари тақлиф этилмоқда, зўр имкониятлар яратиб берилмоқда. Президентимиз шаънига миннат-

Мўъжизалар дунёри

Мадинаи мунаввара шаҳарлари бекиёс хурмату эъзозга мушарраф бўлган, ҳам қарамли, ҳам зиёли табарруқ масканлардан ҳисобланади. Бу шаҳарларнинг номи тилларда дoston, дилларда армон...

Мана, 2026 йил 18 май куни Ҳижознинг ғарбида жойлашган Мадинаи мунавварага етиб келдик. Расман Ал-Мадина ал-Мунаввара дейилади. Шаҳар Ислмо маданияти ва цивилизацияси бешиги ҳисобланади. Бир ярим миллионга яқин аҳолиси бор.

Биз шаҳар марказидаги “Замзам” меҳмонхонасига тушдик. Меҳмонхона Масжид ан-Набавийнинг шундоқ ёнгинасида эди.

Сафаримиз шундай ажойиб ташкил этилган эдики, бунинг ўзи бир ҳайрат. “Президент ҳожилари”га Ҳаж амалларини осон ва қўлай бажаришлари учун барча шароит муҳайё қилинган эди. Эрақлар ва аёлларга алоҳида адрасдан либослар тикилган. Либосларимизни ғуруримиз, фахримиз бўлган Ўзбекистон байроғи бе-заб турарди. Кейин Қазбатуллоҳни зиёрат қилаётганимизда, дунёнинг турли мамлакатларидан келган минг-минглаб ҳожилар ичида байроғимиз ўтдай қўзга ташланар, кўнгилларимиз ҳаприқар, ўзимизникиларни дарров илғай олар эдик. Махсус ишчи ғуруҳ вакиллари доим ёнимизда бўлишди, ҳолимиздан хабар олиб

бўлиб кетган. Мадинанинг хурмозор боғлари жуда ажойиб, серфайз экан. Бир боққа бордик. Адл қомат, азамат хурмо дарахтининг элликлтмиш йил умр кўришини ўша ерда айтиб беришди. Ажойиб, фидойи дарахт экан.

МАККАИ МУКАРРАМА САРИ

Маккаи муқаррама деганда, эшитган одамнинг кўнгли яйраб кетади. Ислмо оламнинг маркази — Макка шаҳри, мана, кўз олдимизда намён бўлди. Узоқда Байтулҳарам ёнидаги баланд соат минораси кўзга чалинди. Автобусимиз етиб келганда вақт пешиндан оққан эди. Қўлимдаги соат маҳаллий вақт — 17:00 ни кўрсатарди. Шу пайтгача Мадинаи мунавварада умра амалларини адо этдик, Ҳаж амалларини бажариш эса Маккаи муқаррамадан бошланади.

Бизларни “Ал-Айан” меҳмонхонаси олдида муфтий Шайх Нуридин Холиқназар ҳазратлар бориш қўл қўриш ғуруҳ ватандошлар қутиб олишди. Ҳамма хурсанд, шукроналик туйғусидан кўнгиллар ҳаяжонда...

Меҳмонхона ҳашаматли қурилган, ҳар хонаси икки кишига мўлжалланган. Биз — ҳамроҳим, таниқли ёзувчи Комил Синдоров билан учинчи қаватда бир хонага жойлашдик.

Кечки таомдан сўнг барчамиз Байтуллоҳ зиёратига жўнадик. Байтуллоҳгача бироз масофа бор. Байтуллоҳ атрофида одам шу қадар қўпки, игна ташланса ерга тушмайди. Ҳамма Каъбани кўришга, тавоф қилишга талпинди...

Биз муҳташам Каъба атрофида етти марта айландик. Сафардан қайтишимиздан аввал ҳам бориб тавоф этдик, ибодат қилдик. Машҳур Ҳажар ул-асвад — қора тошни кўрдик. Бир ҳадисда ўқигандим: *“Ҳажар ул-асвад — ўзи оқ, сўтдан ҳам оқ, жаннатдан тушган. У бора-бора Одам фарзандларининг гуноҳларидан қорайиб кетган (яъни, ҳамма гуноҳларни ўзига олгандан қорайган)”*.

Сафо ва Марва тоғлари орасида етти марта бориб келдик. Кезар эканман, Қуръони карим “Ҳаж” сурасидан ушбу 26-27-оятлар ҳаёлимда жонланар эди: **“Эсланг: Биз Иброҳимга Байтнинг жойини белгилаб бериб: “Сен менга бирон нарсани шерик қилмагин, менинг Байтим — Ҳайимни тавоф қилгувчилар, (ибодатда) қоним тургувчилар ҳамда рукуъ, сужуд қилгувчилар учун пок тутгин. Одамларни ҳажга қақиргин, улар сен томон яёв ҳолларида, узоқ-узоқ йўллардан юриб, озинга, ҳолдан тойган туялар устида келсинлар”**.

Ҳа, Каъбанинг тамал тошини пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом қўйган эдилар. Шу ерда “Зам-зам” булуғи ҳақида ҳам тўхталиб ўтамиз. Иброҳим алайҳиссалом рафиқалари Ҳожар она чанқаган гўдаги Исмомил билан Сафо ва Марва тоғлари орасида уриниб-суриниб, дўнғачир йўлларда сув излаб етти марта бориб келади. Ташналик кучаяди... Шу палла Аллоҳнинг қудрати билан Жаброил алайҳиссалом кўкдан тушиб келиб, дўнғлардан бирини текислайди: фавқуллоҳда шифобахш сув айкириб отилиб чиқади! Бу, минг-минг йиллар ўтса ҳам, хозиргача тин билмай оқиб ётган, Аллоҳ ато этган мўъжиза — суви зилполдан-зилпол Замзам булуғи эди!

Бизлар жўмрақларни бураб, тайёрлаб қўйилган идишларни олиб, Зам-зам сувига тўлдириб, қайта-қайта ичганимиз эсимда... Барчаси Аллоҳнинг буюк илтифоти эди.

Машҳур ибодат манзилларидан бири Мино водийсидир. У ерда Иброҳим алайҳиссалом иблисга тoш отганлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жамаротга яқин катта масжид — Масжид ул-Ҳайфада ислмо аҳли олдига ўзларининг хайрлашув маърузаларини ўқиганлар. Рўпарамизда Ҳажнинг энг юқори нуқтаси бўлган Арофат тоғи... Жаннатдан чиқарилган Одам Ато ва Момо Ҳаво онамиз учрашган муқаддас жой шу ер, деб ҳисобланади. Дуолар ижобат бўлиши таъкидлангани кун, “Раҳмат

ХУШХАБАР

Муборақ Ҳаж амалларини бажариш охирига етаётган паллада юртимиздан хушхабарлар етди. Кўнглимиз янада равшан тортиди. Шунини айтиш кераки, биз Ватандан йироқда бўлсак ҳам, юртимизда юз бераётган янгиликлар, эзгуликлардан мунтазам хабардор бўлиб турар эдик.

Қурбон ҳайити муносабати билан кўп санъаткорлар, шоирлар, маданият арбоблари давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ қўрилибди. Биз дарҳол мукофот соҳибларини табриклашга шошилдик. Ҳа, меҳнат қилган иззат топади.

Бу ижодкорларни руҳлантиради, янги асарлар ёзишга ундайди.

Шу кунларда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳам жамият ҳаётида ажойиб хушхабар, мўжиза сифатида жараңлади. Бу Президентимизнинг маънавиятга бўлган катта ғамхўрлигининг ёрқин намунаси бўлди, деб айта оламиз. Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларининг бирутраси ҳам назардан четда қолмагани кишини ҳайратга солади. Фармон чиндан ҳам кенг қўламли, қамрови жуда катта!

Бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасига ҳам алоҳида эътибор берилгани нур устига нур бўлибди.

Жумладан, Фармоннинг “Асосий мақсадлар” боби, (б) банди ва чора-тадбирлар дастури 7-бандида шундай ёзилган: “Шоир ва ёзувчиларга ҳар йили 50 та асар учун ижодий буюртма бериш, ўзбек адабиётининг энг яхши 10 та асарини хорижий тилларга таржима қилиш ва муаллифлар иштирокида чет элларда тақдимотлар ўтказиш, Ёзувчилар уюшмаси тавсияси асосида китобларни нашр этишда қоғоз билан боғлиқ харажатларни давлат томонидан қоплаш тартибини белгилаш” кўрсатиб қўйилган.

Кўрдингизми, Президентимиз, давлатимиз биз ижодкорларга қандай катта имкониятлар яратиб бермоқда! Жуда катта имкониятлар! Ундан ўз вақтида ва унумли фойдаланмоқ керак. Натижа яхши бўлишига шубҳа йўқ! Янги китоблар ёзилади, ўқувчилар сафи кенгайди, адабиёт бойийди. Ижодий буюртма — ҳозирги замонда энг адолатли йўлдир. Бунинг оқибатида ёзувчининг халқ, ўқувчилар ва ўзи олдига масъулияти ортди, меҳнати ҳам қадр топади.

Фармонда ўзбек адабиётининг энг яхши 10 та асарини хорижий тилларга таржима қилиш ва муаллиф иштирокида ўша асарнинг чет элларда тақдимотиини ўтказиш ҳам белгиланган. Бу — ёзувчиларнинг азалдан ардоқлаб келган ширин орзуси эди. Бу Янги Ўзбекистон адабиётини дунёга олиб чиқишда катта имкониятлар. Фармонга шу бандининг киритилгани адибларнинг катта ютуғи сифатида қаралиши керак.

Ёзувчилар уюшмаси тавсияси асосида кун,

дорлик сўзларини айтамыз.

Ўйлаб қоласан киши. Фармон жуда яхши, унда соҳа вакиллари қийнаб турган ҳамма муаммолар ва уларнинг ечими аниқ белгилаб қўйилган. Энди биз — ёзувчиларга фақат бир иш қолди: ёзиш, ёзиш, ёзиш...

Янги Ўзбекистон дунёга чиқмоқда, Учинчи Ренессанс сари дадил қадам қўймоқда. Саноат ривожланмоқда, юрт обод бўлмоқда, гоҳ у шаҳар ёки бу вилоятда халқаро иқтисодий форумлар бўлиб турибди. Дунёнинг кўп мамлакатларида иқтисодий тарангликлар юз бераётганда бизга инвестициялар оқиб келмоқда. Хорижий давлатлар билан мустақим алоқалар ўрнатилмоқда. Яқинда Тошкентда ўтган форумда турли давлатлардан тўрт мингдан ортиқ инвестор иштирок этди. Ҳали эшик қоқиб турганлари қанча...

Мана, Грузия билан стратегик алоқалар йўлга қўйилди. Дўстлик ва тенҳўқуқлилик асосида ривожланаётган жараёнлар давом этмоқда.

Буларнинг бари ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида, узоқни кўра билиш, давлатлараро муомала маданиятини юксак даражада тутиш асосида, заковат ва донишмандлик билан олиб борилаётган сиёсат ўз самараларини бермоқда. Ватанимизнинг халқаро обрў-эътибори ортмоқда, Янги Ўзбекистон жаҳонда нуфузли давлатлардан бири сифатида бўй кўрсатмоқда.

Бу нарсa мaрд вa мaтoнaтли хaлқимизнинг қaддини кўтaрмoқдa, ҳaётгa, Президентгa, ўзигa ишoнчини oрттирмoқдa, унинг бeмисл қудрaтини нaмoён этишгa, юзaгa чиқaришгa чoрлaмoқдa. Рoст, Ўзбекисoн дунёгa чиқмoқдa, айни пaйтдa дунё Янги Ўзбекисoнгa кириб кeлмoқдa!

Энг муҳими, oдaмларимиз oнги вa тaфaқури ўзгaриб, дунёқарoш кeнгaйиб бoрмoқдa. Ёшларимиз кўнгли ғурурлaргa тўлмoқдa. Бугунги ўзбек — кeчaги ўзбек эмaс!

Анa шундaй вaзиятдa aдaбиёт, сaнъaт вa мaдaниятгa бундaй ғaмхўрлик қилиш бaғoят сaвoблi ишдир, бу Ҳaққa ҳaм ёқaди, хaлққa ҳaм! Олдимиздa тургaн улуғ вaзифaларни aдo этишдa инсoн кўнглини тaрбиялaйдигaн, нур бeрaдигaн aдaбиёт, сaнъaт вa мaдaният вaкиллaри — ёзувчилар, артистлар, рaссомлар, бaстaкoрлар, қўшиқчилар — бeллaри қaттиқ бoғлaнгaн ҳoлдa хизмaтгa шaй турибдилар.

“Ўзбекисoн Рeспубликaси дaвлaт мустaqиллигининг 35 йиллигини кeнг ишoншaлгa тaйёрғaрлик кўриш вa уни ўтқaзиш тўғрисидa”ги қaрoрдa “Ягона Вaтaн, ягoнa хaлқ бўлиб, янги ҳaёт вa кeлaжaк ярaтaмиз!” дeгaн бoш гoя шioир қилиб oлинди.

Бу шу oнa тупрoқнинг фaрзaндлaри, фидoйилaри бўлгaн буюк aждoдлар oрзуси эди, Aмир Тeмyр, Алишeр Нaвoий, жaдид бoлaларимиз ният қилгaн, интилгaн, курашгaн, жoн-фидo этгaн oлийшoн мaқсaдлар эди. Нe тoнгки, бу гoя бугун Президент Шaвкaт Мирзиёев рaҳ-нaмoлигидa Мустaqил Ўзбекисoннинг шio-ригa aйлaнди, жaҳoнгa aйтилгaн сўз бўлиб жaрaнғлaди!

Ёдимгa тушди, Алишeр Нaвoий юрт рaвнaқи йўлидa oтa-бoлa — Султoн Хусaйн Мирзo вa Бaдиуззамoн Мирзoни кўп зaҳмaтлар билaн ярaштиришгa эришгaндa, oтa-бoлaнинг кучoқлaшиб тургaнлaрини кўргaндa, хурсaндчилиқдaн oлaмгa сигмaгудeк қувoнгaн, шу лaҳзaнинг ўзидa бaдиҳa йўсинидa бир рубoий aйтиб юoргaнди.

Кaминa ҳaм тилaк сўзимни улуғ устoзнинг ўшa рубoийси билaн яқунлaшни лoзим тoпдим:

**Гул борди эса, чаман муаттар бўлсун,
Шам ўчти эса, қуёш мунаввар бўлсун.
Шаҳзодага гар раваз муассар бўлди,
Султонга жаҳон мулки мусаххар бўлсун!**

Мухаммад А.П.,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.



эътиқод ва саботни мустаҳкамлайди.

Кўнглимизни миннатдорлик туйғулари қамраб олди. Юртимиз тинчлиги, элнинг хотиржамлиги, халқимиз фаровонлиги, оилаларимиз осойишталиги, Янги Ўзбекистонимиз раванқи, хусусан, “Раҳмон зотнинг меҳмони” бўлишдек шарафга етишиб турганимиз, хурсандчиликларимизнинг сабабчиси — муҳтарам Президентимиз ҳақларига хайрли дуолар қилишни шу ерданок бошлаб юбордик... Дуоларимиз муқаддас заминда, муборақ сафар чоғида давом этиши кўнгилларимизни ёри-тарди.

РИВОЯТЛАР ОҒУШИДА

Ҳали Тошкенти азимдан чиқмай туриб, ўша машҳур азиз ва табарруқ ривоятлар, мўъжиза ва афсоналарга қўлганган қадимги Ҳижоз тупроғи, Маккаи муқаррама, Мадинаи мунаввара, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туғилган юрт манзаралари ҳаёлимда бўй кўрсатар эди.

Сафарга кузатиш байрамга айланиб кетди. “Президент ҳожилари”нинг кайфиятлари аёло

туришди, нима ёрдам керак бўлса, муҳайё қилишарди. Шифокорлар, ошпазлар, элликбо-шилар хизматлари мактовга сазовор.

Мадина шаҳрининг аввалги номи Ясриб эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни “Мадина” деб атадилар. Мадина — “ша-хар” маъносини беради.

Милодий 622 йилда Расули Акрам Ясрибга хижрат қилганлар. Келганларидан сўнг ша-харда бир уй қурдилар, унинг ёнида масжид тикладилар. Ясриб номи Қуръони каримнинг “Ал-Аҳзоб” сурасида келтирилган. Ўша мас-жид бугун минг-минглаб одамларни сифдира оладиган “Масжид ан-Набавий”дир. Унда ўқил-ган бир намоз мингта намоз савобини беради, Маккаи муқаррамадаги Масжид ул-Ҳаромда ўқилган бир намоз эса юз минг намоз савобига тенгдир, дейдилар.

Ибодатларни Масжид ан-Набавийда ва Пайғамбар раъзаларида адо этдик. Масжид-нинг ичи ниҳоятда катта ва ҳайҳотдайлигини кўриб, лол бўлдик! Шунчалар маҳобатлики, на-заримда, бутун олам масжидга айлانган эди! Беихтиёр муҳаддислар султони Имом Бухо-рий бобомиз келтирган бир ҳадис, Расули А-рамнинг: “Қаерда сени намоз топса, бис, намоз

УЮШМА ВАКИЛИ ХАЛҚАРО МЕДИАФОРУМДА

1-6

Бишкек шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 25 йиллигига бағишланган “ШХТ мамлакатлараро тараққиёт мулоқоти” халқаро медиафоруми бўлиб ўтмоқда.



Унда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси Мухаммаджон Обидов иштирок этиб, минтақавий медиа ҳамкорлигини ривожлантириш, маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлаш, кўп тилли контент яратиш ҳамда Марказий Осиё журналистлари ўртасидаги касбий алоқаларни кенгайтириш юзасидан ўз тақлифларини илгари сурди.

Форум ШХТ мамлакатлари ОАВ вакиллари ўртасида тажриба алмашиш ва медиа ҳамкорлигини янги bosқичга олиб чиқиш учун муҳим мулоқот майдонига айланди. Минтақавий медиа ҳамкорлиги ва маданий алоқаларни ривожлантириш ШХТ доирасидаги гуманитар ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қайд этилди.

ТЕЛЕ ВА РАДИОКАНАЛЛАР ФАОЛИЯТИГА ДОИР ДАВРА СУҲБАТИ



Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида нодавлат теле- ва радиоканаллар раҳбарлари, бош муҳаррирлари ҳамда соҳа мутахассислари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мулоқотда телевидение ва радио соҳасини ривожлантириш, журналистларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, замонавий кадрлар тайёрлаш ҳамда сифатли медиаконтент яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Президент Администрациясининг Коммуникациялар департаменти томонидан ишлаб чиқилаётган янги норматив-ҳуқуқий

ҳужжат лойиҳаси юзасидан соҳа вакиллари тақлиф ва мулоҳазалари тингланди.

Билдирилган фикр ва ташаббуслар мамлакатимиз медиа маконини янада ривожлантиришга қаратилган амалий тақлифларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

Таниқли таржимон, ношир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Назира Жўраеванинг 80 йиллик юбилеи муносабати билан ижодий учрашув ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вакиллари ҳам иштирок этди.

Учрашувда устоз таржимоннинг сермахсул ижодий фаолияти, таржимачилик ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек китобхоналарига етказиш йўлидаги хизматлари ҳақида сўз юритилди.

Самимий мулоқот давомида Назира Жўраева ўз ҳаёт ва ижод йўли, таржима санъатининг нозик жиҳатлари ҳамда ёш ижодкорларга оид фикр ва тавсиялари билан ўртоқлашди.



ЖУРНАЛИСТИКА РИВОЖИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Медиа экспертлар, олимлар ва соҳа мутахассислари иштирокида мамлакатимиз медиа маконини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбатида медиа ва илм-фан интеграциясини кучайтириш, инновацион медиалойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, журналистика таълимини замонавий тенденциялар асосида ривожлантириш ҳамда халқаро тажрибани миллий амалиётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, соҳа тараққиётига хизмат қиладиган амалий тақлиф ва тавсиялар илгари сурилди.



Бугунги медиа маконида сунъий интеллект, рақамли трансформация, дезинформация ва янги контент форматлари журналистика олдига янги вазифаларни қўймоқда. Шу боис медиа соҳаси вакиллари ва илмий доиралар ўртасидаги ҳамкорлиқни кучайтириш, илмий ёндашувларни амалиёт билан уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ИККИ ДАВР, БИР ТАҚДИР

Тақдир баъзан инсонни икки давр чорраҳасига олиб келади. Мен ана шундай тақдир соҳибман. Бир тузумда журналист бўлиб шаклландим, мустақиллик йилларида эса Ватан журналисти сифатида камол топдим.

Инсон умрининг олтимишдан ошган палласида ортга бир қур назар ташлар экан, босиб ўтилган йўлнинг ҳар бир bosқичи қалбда ўзига хос из қолдирганини англайди. Ҳар бир даврнинг ўз нафаси, ўз овози, ўз ҳақиқати бўлади. Менинг тақдирим ҳам икки хил тузум, икки хил ҳаёт, икки хил журналистик муҳит орасида шаклланди. Бир даврда қалам қўлда эди-ю, аммо фикр эркин эмасди. Иккинчи даврда эса қаламга ҳам эркинлик, ҳам юксак масъулият юкланди. Бу икки олам орасида бутун ҳаётим мазмунини ўзгартирган бир буюк неъмат борки, у ҳам бўлса — Мустақиллик!

Журналистикага кириб келган илк йилларим ҳануз хотирамда. Газета саҳифасига чиқадиган ҳар бир жумла бир неча bosқичли тахрирдан ўтар, баъзи фикрларни қорозга туширишга эса журъат етмасди. Айтилиши мускин бўлган ҳақиқат билан айтилмаслиги лозим деб ҳисобланган ҳақиқат орасида қўринмас, аммо мустаҳкам девор бор эди. Биз кўпинча ҳаётни қандай бўлса, шундай эмас, қандай кўрсатиш талаб этилса, шундай тасвирлашга мажбур эдик.

1991 йил... Бу сана мен учун шунчаки тарихий воқеа эмас, балки касбий ва инсоний тақдиримнинг бурилиш нуқтасидир. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритганида, мен журналист сифатида шаклланиб бўлган эдим. Аммо айнан ўша кунлардан бошлаб ўзимни ҳақиқий маънода Ватан журналисти сифатида ҳис этдим. Энди қалам нафақат касбим, балки халқим ва юртим олдидаги виждонимга айланди.

Мана, истиқлолнинг ўттиз беш йили ҳам ортда қолмоқда. Бу йиллар кўз олдимдан кинотасмадек ўтади. Мустақилликнинг илк қа-



дамлари, иқтисодий қийинчиликлар, халқимизнинг матонати, эртанги кунга бўлган ишонч; кенчалик барпо этилган янги мактаблар, замонавий корхоналар, обод маҳаллалар, қиёфаси тубдан янгиланган шаҳар ва қишлоқлар... Буларнинг барчаси репортажларим, очеркларим, интервьюларим ва мақолаларим орқали газета саҳифаларидан жой олди. Бир пайтлар орзу бўлиб туюлган эзгу ниятларнинг ҳаёт ҳақиқатига айланганини журналист сифатида кузатиш ва унинг солномасини яратиш менга насиб этди.

Журналистнинг энг катта бойлиги архивида сақланаётган сарғайган газеталар эмас, балки хотирасида муҳрланиб қолган ҳаёт лаҳзаларидир. Менинг хотирамда ҳам қора-оқ суратлардек хира тортган даврлар, ҳам истиқлол нурида рангларга бурканган манзаралар яшайди. Илк мустақиллик байрамлари, байроғимиз гурур билан баланд кўтарилган лаҳзалар, юртининг энг чекка қишлоқларидан тортиб замонавий шаҳарларигача учратган фидойи инсонлар... Уларнинг кўзларидаги ишонч йил сайин мустаҳкамланиб, орзу-мақсадлари кенгайиб борганига кўп бор гувоҳ бўлганман.

Бугун мен ёш ҳамкасбларимга ҳавас билан қарайман. Улар эркин фикрлайди, замонавий ахборот технологияларини пухта эгаллаган, дунё билан ҳамнафас яшайди. Улар учун очик имкониятлар майдони яратилган. Бу имкониятлар тасодифан пайдо бўлгани йўқ. Улар халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги машаққатли меҳнати, сабр-матонати

ва эзгу интилишларининг самарасидир.

Ҳаётда анча-мунча аччиқ-чуққини кўрган одам сифатида бир ҳақиқатни бот-бот ҳис қиламан: инсон учун энг катта бахт — ўз Ватанининг юксалиб бораётганини кўриш, ана шу тараққиётга ўз меҳнати билан озми-кўлми ҳисса қўшишдир. Мен бугун набираларимнинг эркин қиларайдиган, чет тилларни ўрганадиган, замонавий билимлар билан қуролланган, дунёга очик Ўзбекистон фарзандлари бўлиб камол топаётганини кўриб, қалбим шукроналикка тўлади. Улар кўрмаётган кечаги қийинчиликларни биз кўрдик, улар баҳраманд бўлаётган имкониятларнинг қадрини эса биз янада тереңроқ ҳис қиламиз.

Бугун Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги нишонланар экан, қаламимни яна бир бор эҳтиром билан қўлимга оламан. Чунки мен учун қалам — касб қуроли эмас, Ватан олдидаги масъулият тимсолидир. У орқали халқимнинг қувончини ҳам, ташвишини ҳам, эзгу орзу-интилишларини ҳам ҳолис ва самимий ёритишни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан. Шу боис истиқлол ҳақида ҳар сафар қалам тебратар эканман, Ватанимнинг тақдирини билан ўз тақдирим чамбарчас боғланганини яна бир қарра ҳис қиламан. Зеро, умрини журналистикага бағишлаган инсон учун мустақилликнинг ҳақиқий қадрини ҳаётнинг ўзи ўртада...

Одилжон ИНОМОВ,
“Наманганская правда”
газетаси бош муҳаррири,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН

Мана шунақа бизнинг СОЛИЕВ

(Ярим ҳазил, ярим чин тўйхат)

Бу инсон ҳақида самимий ёзиш керак. Агар расмий ёки ясама сўзлар битилса, нафақат қороз ва қалам, балки қадрдонлари ҳам ранжийди. Қуйидаги битиклар кўча гаплари эмас, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бари чиппа-чин гаплар.

Шаҳрихонда сўлим бир боғ бор. Илгари бир техникумнинг оромгоҳи бўлган. Бундан йигирма йил аввал ҳамкасбимиз — “Андижоннома”нинг тиргакларидан бири, “Ўзбекистон овози” газетасининг вилоятдаги салкам ўттиз йиллик мухбири Аҳмадилло Солиевнинг 50 ёшини шу ерда нишонладик. Тўйга бу ёғи Сурхондарёдан, у ёғи Нукусдан sobиқ курсдошлар келди.

Тўй ниятда яхши ўтди. Эртасига иш куни эди. Тахририят биносига кирсак, Аҳмадилло Солиев хонама-хона юрибди. Оғзидан бир гап тушмайди:

— Яхши ўтирдиларингизми? Камчиликлар бўлмадими?

Аслида буни биз ундан сўрашимиз керак эди. Хонада муҳаррир ўринбосари Илхомжон Эгамназаров билан ўтирган эдик, у кириб келди:

— Илхомжон, ҳамма нарса сиз айтгандай бўлди, камчиликлар йўқми? Ростини айтсам, 50 ёшга биринчи марта киришим, роса шошиб қолдим.

Шунда Илхомжон ака айтди:

— Янаги фарқ 50 га кирганингизда ўзим рўйхат қилиб бераман, эсдан чиқмасин...

Тахририятда ҳар ҳафта яқунлар ва режаларга бағишланган йиғилиш бўларди. Бир куни қўлчилик эсанкираб қолай деди. Солиевнинг “Саратепанинг сара пойабзаллари” сарлавҳали ўн қаторлик хабари газетанинг иккита сониде кетма-кет чиқиб кетибди. Муҳаррир нозини бўлди:

— Бу шунчалик оламшумул гапми, газетада икки марта берибсизлар? Айбдорни жазолаймиз!

Компьютерда бу хабар ўчирилмасдан, за-

хира архивда қолиб кетган экан. Тунда қарашса, иккинчи бетда ўша хабар сиғадиган жой бўш турганмиш. Шартта қўйиб юборишибди.

Йиғилишда ҳажвчи ёзувчи, ҳамкасбимиз Ҳалимжон Тоҳиров вазиятни юмшатиш ва ҳазил билан чиқиб кетиш учун шундай деди:

— Аҳмадиллонинг бу хабари жуда яхши ёзилган. Мен тақлиф қиламан: уни нафақат иккита сонда, балки ҳар куни бериш керак. Одамлар ўрганади. Газетани қўлига олиб, иккинчи саҳифага кўз югуртиради-да: “Мана, яна чиқибди!” дейишади. Газетамиз матбуот дўконларида қўлма-қўл бўлиб кетади.

Хонани кулги тутиб кетди.

Устозимиз — кўп ўқийдиган, кўп ёзадиган, ҳатто чигит экиш ёки пилла терими бошлангани ҳақидаги оддий хабарларга ҳам аз-Замашарий, Конфуций каби буюқлардан иқтибос келтириб қўшадиган дилкаш инсон эди. Бир куни йиғилишда у шундай деди:

— Илломан даврон Сукрот: “Яхши одам яхшилик қилади”, деган. Бу гап юз фоиз Солиевга тегишли...

Шунда бир чеккада ўтирган Омадхон исмли компьютерчи қиз шеригига шивирлади:

— Қаранг-а, Солиевни Сукрот ҳам танир экан...

Дарҳақиқат, вилоятда қирқ йил ичида бизнинг Солиев кирмаган ташкилоту идора, у танимайдиган катта-кичик раҳбар қолмаган. Тан бериш керак. Биттага ўнтани қўшиб гапирадиган, шалдир-шулдур сураткаш мухбириммиз Азаматжон Тошматов бир куни суҳбатни илиб кетди:

— Солиевни бир куни йўлда “ДАН”-ИПХ ходими тўхтатиб, обдан текширибди. Шунда ака-миз: “Энди, ука, мен кетаверай, ҳамма ҳужжат жойида. Катта мухбирман, мени бошлигинг ҳам танийди”, дебди. Ходим эса: “Шунақа-да, қандабозларнинг ҳаммаси бошлигининг танийман, дейди”, дея туриб олибди.

Тортиша-тортиша, вилоят “ДАН” бошқармасига боришибди. Зинадан раҳбарнинг ўзи ту-



шиб келаётган экан:

— Э-э-э, Аҳмадилло Солиев! Сизни ҳам кўрадикан кун бор экан-ку! Бир суҳбатлашайлик. Кейга яқин Асаканинг “Ўнганга”да кутаман, ош мендан! — дебди.

Раҳбар кетган, Солиев виқор билан ходимга юзланибди:

— Қалай, мен ютдимми? Уни қўйинг, буни қўйинг, мени Рим папаси ҳам танийди!

— Энди ошиб кетди, ака. Рим папаси қайда-ю, сиз қайда?

— Олиб бор Римга! Танимаса, қилган ҳамма харажатингни икки баробар қилиб қайтараман! Хуллас, Италияга боришибди. Катта майдон, ҳашаматли бино. Рим папаси ҳар куни улкан балкonga чиқиб, икки-уч юз чоғли одамга ваъз айтар экан. Солиев ичкарига кириб кетибди ва... балкonnинг ўзида пайдо бўлибди! Ҳайратдан ёқа ушлаган ходим ёнидан ўтаётган бир маҳаллий аҳоли вакилидан сўрабди:

— Менга қаранг, анави қулоҳ кийиб турган одам ҳақиқатан ҳам Рим папасими?

Ҳагил одам:

— Ўн саккиз йилдан бери шу ерда арава ҳайдайман. Унинг папалигини билмадим-у, лекин ёнида турган одам андижонлик журналист Аҳмадилло Солиев бўлади, — дер эмиш...

Мен Солиевни 48 йилдан бери биламан. Шаҳрихоннинг Сегазакум қишлоғи ёнидаги Чўнтак маҳалласида туғилган. Акаси Тўйчибой Мамасолиев ҳам журналист бўлган, узоқ йиллар “Бўз ҳақиқати” газетасига муҳаррирлик қилган. Онаси ниятда меҳнаткаш, хокисор аёл эди. Солиев қишлоқдан чиқиб, Андижон давлат тиббиёт институтида таҳсил олаётган бўлажак шифокор Ҳафизахонга кўнгул қўйган. Қиз ўша пайтлари онахоннинг ҳолидан хабар олиб турар экан. Шундай қилиб, Солиев саломатлик посбонига ўйланди. Тўрт киз кўрди, уларнинг орасида ҳам шифокорлар бор.

Қирқ йиллик меҳнат фаолияти давомида “Андижоннома”, “Ўзбекистон овози” (“Совет Ўзбекистони”) газеталарида ижоди гуриллаб яшнади. У мақола сарлавҳаларига зўр эътибор берарди: “Йўлдан тойдан йўлчиёв”, “Шундай жой вайронага айланди” (1-мақола), “Вайрона эди, қонона бўлди” (2-мақола)...

Бир куни ўзимча нимадандир аччиғим чиқибди: “Фалончи сиз ҳақингизда нотўғри гаплар гапирибди. Қараб турсин, пўстагини қоқаман!” десам, у вақтинчалик билан: “Қўйинг, ука, яхши гаплардан гаплашайлик”, деб турибди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида унинг акасида қолган “Москвич” машинаси бўларди. Юкхонаси доимо тўла, у ёғи Қўрғонтепа, бу ёғи Улутноргача ҳеч йўқ демай кетаверарди. Тўғри йўлда ҳам таъмирлаш учун икки-уч бор тўхташга тўғри келарди. Лекин бу “Москвич” тутқатор дейсизми, шопилоғ дейсизми — шартта йўл солиб кетаверарди. Ёмғирли кунлари, агар тўпланган қўлмақ сувдан ўтиш керак бўлса, ўриндиқда иккала оёқни ҳам шартта тепага кўтариб олиш керак эди. Акс ҳолда, ботинкаю шим тиззагача шалаббо бўлиши тайин эди.

Бир куни Шаҳрихонга қараб йўл олдик. Катта йўлдан кетаётганимизда орқага қарасам, йўлнинг ўртасида кетмон сопидек келадиган бир қувур тутаб ётибди.

— Ака, анави бурқсийтган қувурнинг чап томонидан ўтдикми ё ўнгидан? — десам, пешонасидаги кўзойнагидан орқага қараб:

— Ие, бу бизнинг глушитель-ку! Тушиб қолибди-да, — деди.

Ортга қайтдик. Тутун чиқарадиган мосламани ариқдаги сувда совитиб, мен тўғрилаб ушлаб турдим, Солиев эса бор кучи билан тепиб, жойига тушириб қўйди.

Кунлардан бир куни ҳамкасбларимиздан бири Шаҳрихонга борадиган бўлиб қолди. “Ўзим олиб кетаман!” деди Солиев. Йўлга тушдилар. Биз бу “Москвич”ни “Қўқашка” дер эдик. Дарҳақиқат, у чунонам тариллардики, йўлнинг ўнг тарафи қолиб, чапидан ҳам кетаверарди. Машиналар андак тирбанд бўлса, пиёдалар йўлакчаси асқатарди. Орқа ўриндиқда ўтирган ҳамкасбимизнинг қўркувдан қўзлари чакнаб, чарм суяниқни гижим қилиб ташлабди. Шаҳрихонга етиб боришгач, Солиев сўрабди:

— Қалай, машинани зўр ҳайдар эканманми?

Ҳамкасбимиз аллақандай кўркув аралаш, ранги қув ўчган қўйи:

— Машинангизда Шаҳрихонга етиб олиш — 1941 йилда Иккинчи жаҳон урушига кетиб, 1945 йилда соғ-саломат уйга қайтиб келиш билан баробар экан, — дебди.

Мана шунақа бизнинг Солиев. Кўнгли пок-киза, ниятлари оқ, қўлидан яхшилик қилишдан бошқа иш келмайдиган инсон — Аҳмадилло Солиев шу кунларда 70 ёшга тўлди.

Нима ҳам дердик, кўринишидан ҳали 60 ни ҳам урмаган Аҳмадилло Солиев “60 ёшни нишонламаган эдим, энди 70 ёшга бир тадбир қилсакмикин?” деб яхши ният қилиб юрибди.

Албатта-да. 200-300 кишилик ош билан кам бўлиб қолармиди? Энг муҳими, саломат бўлсинлар!

Ғолибжан АБДУЛЛАЕВ.

ЛАВҲАЛАР

Минора қурилиши бир неча йил давом этганидек, ижодкорнинг шаклланиши ҳам умрининг сўнгги дақиқасигача давом этади. Миноранинг тарҳи аввалдан чизиб қўйилганидек, ижодкор қисмати — жами инсонлар қисмати каби — азалдан Лавҳул-Мафҳузга ёзиб қўйилган. Ҳаётнинг қизиқлиги шундаки, бу китобни Аллоҳ таолодан бўлак ҳеч ким ўқимаган. Шу сабаб ҳар бир инсон, ҳар бир ижодкор Аллоҳга таяниб турмуш аравасини судраб кетаверади.

Аллоҳ инсонга унинг ўзи ҳам илғаши қийин бўлган, яширин тарзда кечадиган махфий иқтидор берадики, китобимиз аини шу иқтидорнинг шаклланиши, ривожланиши ва зиё тарқатиши борасидадир. Келинг, бу иқтидор қандай, қай тарзда ва қай даражада намоён бўлганигини ижодкорлар ҳаётидан мисоллар келтириб, баҳоли қудрат



қўриб чиқайлик.

Бунинг энг ёрқин намунаси — Ҳазрат Алишер Навоий ва Мавлоно Лутфий ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдир. Маълумки, тўққиз ёшли Алишер ўзининг икки мисрлик байтини Мавлоно Лутфийга тақдим этган эди. Мана ўша байт:

Оразин ёпқоч кўзимдан сочилур
ҳар лаҳза ёш,
Бўлаким пайдо бўлур юлдуз
ниҳон бўлғоч қуёш.

Мавлоно Лутфий: “Шу икки мисра шеърингиз учун бутун ижодимни алмашмоққа тайёрман”, деган экан. Ўша пайтда Лутфий Ҳиротнинг энг забардаст, энг улкан, тенги йўқ беназир шоири эди. Унинг ижоди бутун хуросонликлар томонидан эъозланар, минглаб оташин мухлислари бор эди.

Шундай экан, Лутфий бола Алишерни менсимаслиги, хатоларини айтиши, ҳатто: “Аллоҳнинг жамоли ҳақида ёзишга ҳали ёшлик қиласан”, деб шаштини қайтариши, унга етарлича баҳо бермай, заковатини тан олмаслиги ҳам мумкин эди. Ҳатто бунга ҳаққи бор эди. Чунки у пайтда Алишер ҳали Алишер Навоий эмас, ҳаваскор шоир эди. Аммо Лутфий Навоий даҳосини кўра билди. Ёш шоирни яқин олиш, ўзининг улкан салобати ва улкан ижоди олдига Алишер эсанкираб қолмаслиги ҳамда унга дўстона ёрдам қўлини чўзиш учун ўз оламшумул ижодини унинг оёғи остига ташлади.

Албатта, бундан Лутфий ижоди пасайиб қолгани йўқ. Билъакс, Лутфийнинг буюклиги янада яққол намоён бўлди. У бола Алишерда ўзбек шеърятининг бўлғуси подшоҳини кўрди ва ўзининг нақадар зуққолиги, узоқни кўра билишини асрларга намуна қилиб кетди.

ЭРТА УЙҒОНГАН ИСТЕЪДОДЛАР

Албатта, Навоийдек одамларда истеъдод яққол намоён бўлади ва кўп куттириб, илҳақ қилмайд.

Яна бир буюк бобомиз Абу Али ибн Сино ҳазратлари етти ёшида Қуръони каримни ёд олган, биринчи асарларини ўн бир ёшида ёзган эканлар.

Абу Райҳон Беруний ҳазратлари илк асарини ўн тўрт ёшида, беш юз бетдан ортиқроқ бўлган “Ўрта Осиё халқларининг минг йиллик тарихи” қомусий китобини эса йигирма тўрт ёшида ёзишни бошлаб, йигирми етти ёшида тамомлаган эканлар.

Фариiddин Аттор 13 ёшли Жалопиддин Румийни кўриб: “Бу бола ҳадемай оламдаги барча ошқлар қалбига ўт солади!” — деб башорат қилган.

Тарих зарваракларига олтин ҳарфлар билан битилган бу воқеалар узоқ ўтмишда содир бўлгани, муҳити ва турмуш тарзи мутлақо ўзгача бўлгани учун бизга сайёрада ўз берган ғаройиб эртакдек туюлиши мумкин. Аммо ҳаммаси бор гап. Биз эса бу воқеаларнинг муҳим қисми, яъни истеъдоднинг намоён бўлиши борасида сўз юритмоқдамиз.

Бугунги кунда ҳам истеъдоднинг яққол намоён бўлишига оид ёрқин намуналар кўп. Усмон Носир илк шеърини 9 ёшида ёзган эди. Йигирма икки ёшида эса Акмал Икромов Тошкентда бўлиб ўтган жуда катта йиғинда: “Бизнинг Пушкинимиз — бу Усмон Носир!” дейди. Усмон Носир истеъдод жуда эрта камол топган ва порлаган ёруғ иқтидор эди.

Абдулла Қодирий 24 ёшида “Ўткан кунлар” романини ёзиб битказди. Ўша пайтнинг ўзидаёқ Абдулхамид Чўлпон: “Ўзбекининг онаси бундай ёзувчини юз йилда бир тугади”, — дея айтди ва унинг башорати тўғри бўлиб чиқди.

МЕҲНАТ ВА ЗАҲМАТ БИЛАН ШАКЛЛАНГАН ИҚТИДОР

Шунингдек, улуғларимиз орасида истеъдоди узоқ йиллар давомида шаклланганлари ҳам талайгина. Шоир Шукрулло шундай хотирлайди: “Ўн тўрт-ўн беш ёшларимда шеър қоралай бошладим. Бир тўда болалар чўчуллашиб ёзган шеърларимизни Фафур Ғуломга кўрсатиш учун олиб бордик. Ҳамма шеър ўқиди, шулар ора-



сида мен ҳам. Устоз унга у деди, бунга бу деди, менга эса эътибор бермади. Орадан бир қанча вақт ўтиб, ёзган янги шеърларимизни яна олиб бордик. Устоз сўри устида ўтирган экан, шеърларимизни эшитиб турди-да, унга у, бунга бу деди. Менга келганда, жойларидан туриб, дарахтдан бир гўрани узиб: “Гўр шеърга гўра муҳр бўлади”, — деди-да, гўрани эзгилаб, шеърларим устига босди. Бироз хафа бўлдим-у, индамай кетавердим. Диплимда бир исён бор эди: “Қаттиқ меҳнат қиламан, қаттиқ ижод қиламан, кимлигимни ус-

рак, мен ҳам ёзаман” деб ўйлаганман ва ҳали эсимни танимай туриб, бир талай шеърлар ёзганман. Мактабдаги ўқитувчиларимга берганимда, “қаерлардандир кўчириб олгандирсан, ўзинг ёзмаган бўлсан керак” деб ишонишмаган. Мен ҳам индамай кўяверганман. Ичимда хурсанд бўлганман: “Шоирлардан фарқим йўқ экан, энди ёзавераман” деганман. Шундан буён ёзаман. Ҳеч қачон илҳом келишини кутмайман. Ёзишни бошласам, илҳом ўзи келади. Мухбирларнинг “шеърятга қандай кириб келгансиз?” деган саволи мен учун энг мушкул, жавоби энг қийин саволдир.

Мен шеърятга кириб келмаганман, шоир бўлиб туғилганман, тамом-вассалом. Шеър ёзиш учун ёзишни ўргандим, шеърятда ўзимга дўст топиш учун китоб ўқишни ўргандим. Энди шеърятдан бошқа ҳаётим ҳам, кетадиган-келадиган, ўйлайдиган бошқа машғулотим ҳам йўқ!”

ИЛМГА ЭҲТИЁЖ ВА МАСЪУЛИЯТ

“Билмаганларимни оёғим остига қўйсам, бошим осмонга етар эди”, — дейди Имом Аъзам.

Имом Аъзамдай зот шундай деб турса, у кишининг билими олдида бизнинг билганларимиз тоғ олдида турган тошдан фарқ қилмайди. Шундай экан, биз илмга муҳтож бўлмай, ким муҳтож

кита йўл тургандай эди. Ҳеч иккиланмай шеърятни танладим. Бошқа йўл йўқ эди”.

Албатта, бой шоирлар кўп. Гап бу ерда бойликда эмас, бойликнинг пора, яъни ҳаром йўл билан топилаётганида ва ҳаром нарса ҳар қандай шоирни ногирон қилиб қўйишга қодир эканидир! Усмон ака ўзини, истеъдодини мана шу ёвуз кўчдан асраган. Балки у ўз виждонига хиёнат қилганда, кейин яхши ёзишни истаса ҳам, ёзолмаган бўларди.

Ҳар бир ижодкор иқтидорини шундай ҳимоя қилади, унинг намоён бўлиши, камол топиши учун муҳит яратади, шароит излайди, уруғнинг униб чиқишини кутиб туради.

ИЛҲОМ МАНБАЛАРИ ВА ИЖОДКОР ФЕЪЛИ

Бир куни шоир Азим Суюн уйига тақлиф қилиб қолди:

“Шу муқолишдан қайрилсангиз, бизнинг дарвоза ярқ этиб кўзга ташланади. Тепасига катта арҳар шоҳи қўйилган. Шу шоҳга қараб толиб олсангиз бўлади. Бошқа ҳеч кимнинг дарвозасида йўқ!”

Азим Суюннинг дарвозасини топиш мушкул бўлмади. Шоирнинг ўзи айтганидай, дарвоза те-

дуч келгач, ўзлари истамаган ҳолда оғир мушкулларга йўлиққач, юракларида исён қайнаб тошади. Туйғулари, изтироблари вулқондек отилиб, илҳом уларни қайноқ ижод кучоғига етаклайди.

Шундай воқеа ҳассос шоира, оташқалб ижодкор, доно ва фозила аёл Турсуной Содикова ҳаётида юз берди. Бу ҳақда Турсуной опа шундай дегандилар:



“Оғир касалликка чалиниб, ётиб қолдим. Инсулт бўлди. Бир ярим йил битта тўшакдан турмадим. Улим дам-бадам йўқлаб кўяр, раҳми келими, қайтиб кетарди. Шу ётганимда ҳаётни севиб қолдим. Улим ва ҳаётнинг ораси бор-йўғи бир сониялик йўл эканини мана шу кунларда англаб етдим. Баъзида бир сониядан сўнг тирик бўламанми-йўқми, билмасдим. Гоҳида кўзимни юмишга кўрқардим. Гоҳо уйкуга кетишдан олдин қайта уйғонаманми-йўқми, буням билмасдим. Кўрқиб-кўрқиб ухлардим. Худодан эсон-омон уйғотишини ҳар кеча ёлвориб сўрардим. Уйғонгач эса минг бора шукроналар айтардим.

Ҳар бир лаҳзада ўлим бўзингдан бўғиб турса, ҳар лаҳзани ўлимнинг беаёв чангалидан бирма-бир юлиб-юлқиб тортиб олаверганингдан сўнг ҳар бир лаҳзанинг қадрига етар экансан. Унгача қадрига етмас экансан. Унгача етмагандим. Унгача ҳаётим тўлиб-тошиб оққан дарёдек гувулларди. Мен абдий шундай бўлади, абдий шундай ўйнаб-қулиб яшайвераман, ўлим мендан жуда узоқда — кўз кўрмас, қулоқ эшитмас, одам оёғи етмас жойларда деб ўйлардим. Ҳамма ўйлангларим хом ҳаёл экан.

Бир ярим йилдан сўнг оёққа турдим-у, қўлимга қалам олдим. Энди ҳар лаҳзам сўнгги лаҳзам бўлиши мумкинлигини билиб ёзаман, ҳаётни севиб ёзаман. Ҳаётда из қолдирай, ному нишонсиз йўқ бўлиб кетмай, Худонинг олдида жавоб беришга арзигулик савоб ишлар қилай, эл юрт олдида юзим ёруғ бўлишга лойиқ асарлар ёзай, Худонинг буюклигига, буюк қудратига ҳамду сано айтмай бу дунёдан ўтсам, энг ношукр, энг ноқуру, энг ярамас инсон бўлиб қоламан, Яратган Парвардигор Эгам мана шундан асрасин, деган тилда ёзаман!

Мен ўлимни кўрдим, шу туйфаили одамларни яшашга чорлайман — яхши яшашга, яшаш қадрини яхшироқ англашга чорлаб яшайман. Мен тириклигини улуғловчи кўнғироқман. Мен душманнинг қалтакларини еб, дўстинг қадрига кўпроқ етган инсонга ўхшаб қолдим. Улим мени яшашга илҳомлантирди! Мен ёганим сари ўлимдан узоқроққа қочаётганга ўхшаганиман. Мана шу қочиш мени илҳомлантиради!”

ДЎСТЛИК ВА УСТОЗЛИК МАДАДИ

Шунингдек, шоирни дўстлари, устозлари, севган ёрлари ҳам илҳомга ундайди. Бир куни шоир Шукрулло дўстларнинг бир-бирларини илҳомлантириши, иқтидорларини юксак қадрлашлари ҳақида қуйидагиларни гапириб берган эди:

“Бир куни Абдулла Қаҳҳордан: “Фафур Ғулом иккаларингиз ўзбекининг икки буюк ижодкори бўла туриб, нега бир-бирларингиз билан ҳеч келишмайсизлар?” — деб сўрасам, у шундай жавоб берди: “Нима, биз отамизнинг мулкни талашармидик? Фафур ўзи мендан қочиб юради. Бир-икки марта қўришганимизда: “Сен жуда катта билим эгаисан, иқтидоринг тенгисиз, шу қудратингни нега рўёбга чиқармайсан, нега кўпроқ ижод қилмайсан, шахарма-шаҳар юраверасан? Кўп гапларинг ичинда, қачон бордингни тўкиб соласан? Атомни ўтин ёришга сарфлама, атом — бу сеннинг иқтидоринг”, деб койиганди. Шундан буён қочиб юрадиган бўлди. Келишмовчиллигимизнинг асл сабаби шу. Мен кўпроқ ижод қилсин дейман. У кўпроқ ижод қилса, ундан кўра кўпроқ мен хурсанд бўламан”, — деган эди. Улар доимо бир-бирларини қўллаб-қувватлашар, бир-бирларига мадад бўлишни истар, ижода қўмақлашиб, бир-бирларини ёзишга чорлаб туришарди”.

ХУЛОСА

Бу ёзганларим — ижодкорларнинг қайноқ ҳаёти ҳақида бир шингилгина лавҳалар, хулоса. Ҳар бир ёзувчи, ҳар бир шоир бир-бирига ўлшамайдиган алоҳида сайёралардир. Уларнинг ҳар бири ҳақида ёзганда, мутлақо бир-бирига ўхшамаган руҳий дунёни, бир-бирдан ўзгача бўлган силри оламини кўрасиз. Бу оламга кирсангиз, янги бир дунёни кашф этгандай завқланасиз. Шунинг учун бу оламлар ҳақида ҳали анча ҳикоялар ёзиш мумкин эди. Келажақда улар албатта ёзиларди ҳам.

Лекин ўшанда ҳам ҳаётидагилар нарсалар тугамасди. Чунки бу — эъло. Ҳаёт ҳақида ёзиш ҳеч қачон ҳаётнинг ўзидан кўп бўлган эмас. Ҳаёт ҳақида ҳаммиша ва ҳар қачон ёзавериш мумкин. Адабий ҳаёт эса мана шу ҳаётнинг гултожидир. Ҳар бир инсон эса ўз ҳаётининг подшоҳидир!

Сизлар билан суҳбатлашишга арзигулик сўзларимиз, кўнгли кечинмаларимиз, даррлашадиган даррларимиз ҳали кўп. Шунинг учун қўлай имкониятлар яна такрорланади деган умидда, мақолага қуйидаги сўзлар билан яқин аяямиз. Зеро, буюк ёзувчиларимиздан бири айтганидек: “Адабиёт умри боқийдир, ёлғиз уғна ўлимни тан олмайди”.

Мухаммад ИСМОИЛ.



“Мен туғилганимда отам эплик ёшларда эди. Мендан олдинги фарзандлар турмаган, гўдаклик чоғидаёқ нобуд бўлиб кетаверган. Шунинг учун мени еру қўққа ишонишмасди. Отам қаерга борса, мени бирга олиб юрарди. Бола бўлишмга қарамай, куним катталарнинг гап-гашта-гида ўтарди. У пайтда одамлар ййилгса, маъини-маърифатли суҳбатлар ўтказилар, бахру байт айтилар, бахшилар халқ термалари ва дostonларидан қуйлашарди.

Қўшни овулдан қайтгунча отам кўрган-эшитганларимни айтиб беришни талаб қиларди. Уйга келгач эса онамга ҳам айтиб берардим. Шундай қилиб, ўзим билмаган ҳолда гўяндага айланиб қолгандим. Тақорлайвериб, жуда кўп ривоятларни, афсоналарни, dostonларни миммага сингдириб олгандим. Менда ёзувчиликка ҳавас, балки шундан кейин — ичимда жуда кўп таассуротлар тўплангандан сўнг уйғонгандир, қобилиятим шу тарзда шакллангандир. Кўрган-билгани такрорлаш ҳаётимнинг сўнгигача давом этди. Кўрган-билганларимни ҳар кун алоҳида дафтарга ёзиб борадиган бўлдим. Ёзганларим бугунга келиб ўн жилдлик китобга жо бўлса ажаб эмас! Саккиз ёшимдаги одат саксон ёшимгача давом этди!”



Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ҳам бу рада қизик гап айтганди:

“Негадир болалигимда “ҳамма шеър ёзса ке-

бўлсин! Ҳазрат Имом Аъзамнинг бундай дейишларига сабаб — ҳаммиша илмга чанқоқликлари, ҳаммиша юқори илм пиллапояларига интилишлари ва қомиллик истаганларидир. “Билим билмаслиқни кенгайтиради!” — дейди донишманд Анаксимен.

Иқтидор инсонни катта майдонга олиб чиқади. Эл орасида хурматли, маълум бир муваффақиятларга эришган обрўли шахсга айлантиради. Мана шу хурматни, обрўни, шон-шухратни ушлаб туриш ҳам кишидан жуда катта иқтидор талаб қилади. Фалсафа фанлари доктори, етакчи олим Қиёмиддин Назаров ўз болалигини эслаб, қуйидагича ҳикоя қилади:

“Учинчи синфда ўқиб юрганимда, мактабда тадбир бўлиб қолди. Саҳнага чиқиб ашула айта бошладим. Ашула ярмига етганда, сўзлари ёдимдан кўтарилди. Олдинги қаторни бир марта такрорлаб айтдим, икки марта, уч марта... Ўқитувчим ёнимда доира чалиб турибди. Ўқитувчимга қарайман, индамайди. Ниҳоят, қўлимдаги рубобни отиб юбордим-у, даврадан ййглаб чиқиб кетдим. Ўқитувчим билан икки-уч кун гаплашмай юрдим.

Бир кун ўқитувчим хонасига чакирди-да, мени стол устига чиқариб, бўйимни ўз бўйи билан тенглаштиргач, кўзларимга тик қараб: “Сен саҳнага чиқдинг. Саҳнага чиққан одамга энди ҳеч ким ёрдам беролмайди, бунга яхши билиб ол. Ҳамма тайёргарлиқни саҳнагача қилиш керак, ҳамма ёрдамни саҳнага чиққунча олиш керак. Саҳнага чиқдингми, тамом, ортга йўл йўқ. Сен энди қиролсан! Сен ўзингни қўлга олишинг, ўзингни ўзинг бошқариш, сенга қараб турганларга эғалик қилишинг керак!” — деди. Шунда столни оёғим остига беркорга қўйганимни, мени ўзи билан тенг кўриб, жиддий гапирганини тушундим.

Бу бир умрлик сабоқ бўлди. Минбарда ҳар гал матъруза бошласам, мана шу воқеа кўз олдимда намоён бўлади ва минбарда туриб ҳеч қачон енгилмаслигим, энди ҳеч ким ёрдам бермаслиги, ўзимни қатъий бошқаришим лозимлигини ҳис қиламан”.

ИЖОД МАЙДОНИ ВА ВИЖОН ИМТИҲОНИ

Адабиёт майдони ҳам шундай. Бу майдонга тушгач, ўзингиздан бошқа ҳеч ким ёрдам бермайди. Шеър ёзишдан олдин шоир худди шер қаршисида тургандай оҳир туради. У хоҳ ҳаваскор бўлсин, хоҳ санъаткор — ҳаммиша шундай. Тажрибали, истеъдодли бўлсангиз ҳам, бўлмасангиз ҳам, қаршингизда тер тўкиб қилинадиган меҳнат туради. Ҳар кун ва ҳар сафар!

Шеър ёзиш битта китоб чиқарганингиздан кейин енгиллашиб қолмайди. Ўнта китоб чиқарсангиз ҳам шу меҳнат, шу фойдойлик, шу заҳмат давом этади. Яъни шеър қанча талаб қилса, шунча тер тўкишга, юрганигизни азоблашга, изтироб чекиш аламларига чидашга мажбурсиз. Айерлик қилиб, заҳматдан озгина бўйин товладигизми — тамом, шеърингиз чала туғилган гўдакдек мажруҳ ва кераксиз бўлиб қолавераси.

Агар тажриба асосий аҳамиятга эга бўлганда, ёшлар ёмонроқ, кексалар эса яхшироқ ёзган бўларди. Афсуски, ундай эмас. Ижод ёшлардан қанча куч-қувват, заковат, иқтидор ва фидойилик талаб қилса, кексалардан ҳам худди шунча жоннисорлик талаб қилади.

Иқтидор ҳам фарзандингиздек тарбия, ғамхўрлик ва парваришни талаб қилади. Сиз нима қилсангиз, у ҳам шунни қилади. Қаёққа қадам ташласангиз, нимага эътибор берсангиз, у ҳам фақат шунни ўрганади. Ўғрилиқ қилсангиз, болангиз ҳам бир кунмас-бир кун албатта ўғрилиқ қилади. Кимгадир яхшилик қилсангиз, болангиз ҳам албатта яхшилик қилишни ўрганади. Истеъдод ҳам шундай — у сиздан ҳамма нарсани ўрганади.

Усмон Азим шундай воқеани гапириб берган эди: “Юқори лавозимда ишлаб юрган пайтларимда ҳар хил илтимослар бўларди. Қўлимдан келса, холис битириб бераверардим. Шундай холислик билан италиялик бир ғуруҳ тадбиркорларнинг ишини битириб берибман ва бу ҳаёлимдан мутлақо кўтарилиб кетибди. Бир куни улар меҳмонга чақиришди ва “завод фойдасидан улушингиз” дея катта миқдордаги пулни тўтказишди.

Бирдан орқага чекиниб: “Йўқ, йўқ, менга пул керак эмас, агар шу пулни олсам, кейин шеър ёзолмай қоламан”, — дебман. Қаршимда гўё ик-

ТАСОДИФГА ИШОНИБ... ОМАД КУТИЛМАС!

Эркаклар орияти қўзғалганда ва ожиз қолгандагина унсиз ййғлайди...

2-6.

Таркибни шакллантириш бора-сида шунча муаммо бўлган, терма жамоамизнинг Жаҳон чемпионатиға тайёргарлиги юзасидан амалга оширилган ишларнинг барчаси адолатли бўлганлигиға турли ва тахминий шубҳалар туғила бошлайди. Аслида жамоамиздан ҳаммамизнинг умидимиз жуда катта эди. Чемпионатгача бўлган вақт оралиғида миллионлаб футбол ишқибозларимиз ҳам шунчаки қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Ҳамиша фикр, ҳақиқат, дунёвий гоғлар ўртага ташланди. Тош ва тарози ишлаб турди.

Мундиалға тайёргарлиқнинг сустроқ бўлганлиги Каннаваронинг айби эмасдир, балки. Ушбу жараёнда унга боғлиқ бўлмаган масалалар ҳам бор. Бош мураббийнинг футболчиларимиз билан ота-бола сингари муносабатда кириша олишиға фурсат деярли қолмаган эди. Каннаварода ҳозир ҳам бизнинг футболчимиз, миллий менталитетимиз борасида умумий фикрлар мавжуд, ҳолос. У бугунға қадар ўзбекларнинг ошини бир неча марта еган бўлиши табиий, аммо ўзи ҳали ўзбекка айлана олгани йўқ. Ўзбекча фикрлашни ҳам ўргана олмаган, чамамда. Жамоамиз мураббийлар штабиди, терма жамоалар маркази ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар етакчиларида гуруҳ ўйинларини қандай ўтказиш ҳақида пухта ва мукаммал режа ҳам ишлаб чиқилмаганлиги кетма-кет мағлубиятлардан сўнг табиятан билиниб қолди.

Хатолік, лоқайдлик яна шунда билиндикі, чемпионат олдидан ўтказилган иккита ўртоқлик учрашувидаги натижалар қониқарли бўлмагандан мураббийларимиз, футболчиларимиз тегишли хулоса чиқара билишмади. Бу борада, албатта, калтакнинг энг йўғон томони биринчи галда бош мураббий Фабио Каннаваронинг елкаларига тушиши шарт. Агар Каннаварода юқори даражадаги профессионаллик қобилияти бўлганда эди, Аббосбек Файзуллаевнинг Колумбия терма жамоаси дарвозасига киритган голидан сўнг қайд этилаётган 1:1 натижани ҳеч бўлмаганда ўйини охиригача ушлаб қолшини удаллар ёки ўйин тизгинини бошқа томонға буриб юборар эди. Ваҳоланки, бахтта қарши, рақибларимиз учрашув тугагунча дарвозамизға кетма-кет голлар кирита олишди. Ўйин давомида Каннаваро мураббий сифатида жуда катта хатоға йўл қўйди. Биринчидан, ҳисобға қараб тактика қўлашни эплай олмади. Иккинчидан, Колумбия терма жамоасининг ўйин услубини етарлича ўрганмаган ва уларнинг нималарға қодирлигини чуқур англамаган ҳолда йигитларимизни майдонға туширди.

Жаҳон чемпионатининг иккинчи турида Португалиядан олинган йирик мағлубиятдан (Португалия — Ўзбекистон — 5:0) кейин ҳам терма жамоамизнинг кейинги босқичға чиқиш имконияти мавжуд эди. Бу имкониятдан фойдаланиш учун йигитларимиз Конго терма жамоасини йирик ҳисобда мағлубиятға учратиши талаб қилинарди. Футболчиларимизнинг ҳаммаси шунға яраша ҳаракат қилишди ва дастлабки дақиқаларда Элдор Шомуродов рақиб дарвозасига чиройли тўп киритиб, жамоамизни олдинға олиб чиқди. 64-дақиқада қадар ғалаба биз томонда эди. Аммо қолган 26 дақиқа ичидан қонғилиқлар кетма-кет тўп киритиб, ғалабани илиб кетишди. Ушбу мағлубият ҳам бош мураббий Каннаваронинг натиқадан тегишли хулоса чиқара олмайди. Терма мутасаддис эканлигини англатмайдими? Тайёр ғалабани қўлдан чиқариб юборган бош мураббийнинг фаолиятға бундан бошқа яна қандай баҳо бериш мумкин?

Жаҳон чемпионатида яхши натижалар қайд этишни мақсад қилган мураббий борки, дарвозаларға киритилиши мумкин бўлган ҳар битта голни ҳисобға олган ҳолда қўлланиладиган услублари тайёрлаб қўйиши лозим. Ҳозир футбол ўйнашни ҳамма яхши билади, лекин ҳамма ҳам ўйин натижаларига қараб тегишли қарорлар қабул қила олмади. Бунинг учун маҳорат, тажриба ва ўқув керак. Учинчи ўрин учун бўлиб ўтган Франция — Англия учрашувининг биринчи бўлимида 0:4 ҳисобида мағлубиятға учраётган французлар иккинчи бўлимининг биринчи яр-

мида инглизлар дарвозасига учта тўп киритишни уддаладилар. Бу, албатта, мураббийнинг кутилмаган ва фойдали қарори ҳамда футболчиларнинг метин иродаси билан боғлиқ масала. Ушбу ўйинда инглизлар йирик ҳисобда ғалаба қозongan бўлишса-да, ҳеч ким Франция футболчиларини ёмон ўйнади ёки мураббийи пала-партиш режаларни қўллади, деб айтолмайди. Бизникилар худди шу масалада суқташликка йўл қўйишди.

Тўғри, аслида терма жамоамизнинг Жаҳон чемпионатиға чиқиши ҳақиқатан ҳам жуда катта ютуқ бўлди. Марказий Осиё ҳамда собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мустақил мамлакатлар орасидан фақатгина Ўзбекистон терма жамоаси мундиалда қатнашди. Демак, бизда шунға яраша имкониятлар яратилди. Таниш-билишчилик ва коррупция аломатлари нисбатан йўқотилди, футболимизға тоза қон қўйилди. Бас, шундай экан, бундан буён бўлажак мусобақалар олдидан шунға яраша пухта режалар тузиш, ниятларни янада баландроқ олиш мақсадға мувофиқдир. Мухими, бизда имкониятлар яратилди, тартиб ўрнатилди. Давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи футболимизға жиддий эътибор қаратаётган бир пайтда дунёвий мусобақаларда номигагина қатнашиш энди ҳеч биримизни қониқтирмаслиги табиий ҳол. Бундан буён эски баҳоналар, гина-қудуратлар ўтмайди. Замон, имконият, зехният ўзгарди.

Шуниси қувонарлики, терма жамоамизнинг барча аъзолари Жаҳон чемпионатида жонини жабборға бериб ўйнадилар. Энг сўнгги учрашув нихонсига етгач, Абдуқодир Хусановнинг кўзларига жижка ёш келди. Элдор Шомуродов журналистлар қуршовидан ўзини четта олди. Аббосбек Файзуллаев ййғлагандан баттар бўлди. Қолган футболчиларимизнинг армонлари фақат ичига окди. Уларнинг юзларида зоҳир бўлган афсус ва аламларни ашаддий ишқибозлар сўзсиз англаб олишди. Начора, бу футбол! Кимдир юртади, кимдир ютказади. Бориға ҳам, йўғиға ҳам чидаш керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бош мураббий Фабио Каннаваро учун ҳам, футболчиларимиз учун ҳам бу галги Жаҳон чемпионати бир синов, танишув сахнаси бўлди. Терма жамоамизда Жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқи бўлмаганда, эҳтимол, италиялик мутасаддис бизға келиб ишлашни истамаслиги ҳақиқатдек туюлади баъзан. Шунингдек, у шартнома имзолаш жараёнида терма жамоамизнинг чемпионатдан катта мақсадларни қўзламаётганлигини ҳам олдидан билган ҳолда таклифға розилик билдирганмиди? Хўш, энди нима қилиш лозим? Каннаваро кетсинми ёки ишини давом эттирсинми? Бу борада футболимизға масъул раҳбарлар тегишли хулосаларға келиб бўлди. Каннаваро терма жамоамиз билан ишлашда давом этади. Ҳар қалай, шундай маълумот тарқалди. Балки шундай бўлгани ҳам маъқулдир. Мураббийларни ҳадеб алмаштиравериш яхши натижаларни қафоллатмайди. Қолаверса, бўлажак Осиё чемпионатиға ҳам жуда оз вақт қолди. Биринчи қадамни ҳар доим тушуниш ва хатоларни кечирish мумкин, аммо бундан буён шартни, талабни қунайтириш лозим. Борасан, ютасан, келасан! Тамом! Бошқа йўл йўқ!

Бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида терма жамоамиз барча учрашувларни бой берганидан, натижаларнинг қониқарсиз бўлганидан қатъи назар, йигитларимиз фақат ғалаба учун майдонға тушаётганлиги яшиндек шиддатидан билиниб турди. Ишонамизки, миллий терма жамоамизнинг дастлабки Жаҳон чемпионатида ёққан чироқларни келажакни мангу ёрита олади. Биз учун энг қувончлиси шуки, мағлубиятлардан қатъи назар, қўлгина ёш футболчиларимиз учун дунёнинг энг қучли жамоалари томон сафар ва зафар эшиклари ланг очилди. Бу эшиклардан бир бор мўраллаган ўзбек борки, вақти келганда бемалол ўзини кўрсата олади.

Нормурод МУСОМОВ,
журналист.

ЭЪТИБОР

ФЕДИННИНГ ЎРМОН-БОҒИ

Шу йил май ойи якунларига таниқли ижодкор Фозил Фарҳоннинг ижтимоий тармоқлар орқали ёзган постлари сабаб, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги “Оқтепа” маҳалласида жойлашган “Учқўл” сув омбори худудида табиатсёвар фаол, овчи ва балиқчи Александр Федин томонидан ташкил этилган 100 гектарға яқин майдондаги кичик қўриқхона юқори идораларнинг эътибори туғайли яна эски эгаси А.Федин ихтиёриға топширилди.



Дастлаб бу масканда А.Федин 1988 йили 4 гектар ер олиб, боғ-қўриқхона яратиш ишларини бошлаган эди. Йиллар давомида у боғни кенгайтирди: хориждан турли ноёб дарактлар, новдалар ва буталар олиб келиб экди. Қўриқхонаға туташ “Учқўл” (“Три озера”) қўлида ноёб қўшлар, балиқлар ва ҳайвонлар дунёсини асраб, бой флора ва фаунани шакллантирди. Натижада қўриқхона кичик тропик минтақага айланди.

Худуд, аслида, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар жамиятиға қарашли эди. Федин ва унинг табиатсёвар дўстлари бу жойни чинакам жаннатмонанд масканға айлантирдилар.

Александр Иванович Федин 2000 йили Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманида содир бўлган террорчиларға қарши жангларда ҳам фаол қатнашиб, Ватан мудофасига муносиб хисса қўшган фидойи инсонлардан.

Шундай қилиб, “Учқўл” боғ-қўриқхонаси ҳақиқий табиат масканиға айлانгач, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Александр Иванович Фединни “Дўстлик” ордени билан мукофотлаган эди ҳатто.

Бироқ... 2025 йили Фединнинг қўриқхонаси ундан олиб қўйилди. Қаттиқ сиқилиш ортидан А.Федин руҳий касалликлар шифохонасига тушиб қолди. Шундан сўнг юқори идоралар қўмағи билан табиат жонкулари Александр Федин шу йилнинг июнь ойи бошида адолатга эришди. Вилоят ҳокими Улугбек Қосимов уни бориб кўрди, ҳол-аҳволдан хабар олди.

Хуллас, Федин қўриқхонаси яна унинг ўзига қайтарилди. Маълум муддат қийинчиликларға учраган табиат шайдосининг ишлари қайтадан юришиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши қўмитаси ихтиёриға ўтказилаётган Федин қўриқхонаси бугун журналистлар, телевидение ходимлари ва кенг жамоатчилик эътиборида турибди.

Нима ҳам дердик, “Инсон қадри учун” тамойили асосида Александр Фединнинг ҳам қилган ишлари оммалаштирилмоқда.

Абдували АХМАД,
Термиз тумани.

КЎЗГҮ

ЯНГИ НАШРЛАР

“ТОШКЕНТИМ — ДУНЁЛАР БЕШИГИ”:

тарих, фалсафа ва шеърят туташган кўприк

Замонамизнинг забардаст олими, йирик шоир ва таҳлилчи-публицист, “Дўстлик” ордени соҳиби, азиз устозимиз Хушбўқ Раҳимнинг “Тошкентим — дунёлар бешиги” номли янги шеърӣ китоби нашрдан чиқди. Устозимиз жуда сермаҳсул адиб, юксак матонат ва жасорат соҳиби сифатида кўпчилиққа ўрнак бўла олади.



Файласуф шоир Хушбўқ Раҳимнинг ушбу китоби тарих, фалсафа ва шеърят ўйунлиги асосида яратилган бўлиб, ўзининг қўламдорлиги билан алоҳида эътиборға лойиқ. Ўзбек мумтоз ва замонавий шеърят тарихида она юрт, унинг қадимий ва навқирон қиёфаси мавзуси доимо етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келган. Бироқ бирон-бир ҳудуднинг табиати, тарихи, маънавияти ва бугунги тараққиётини бир бутун фалсафий тизим сифатида — миллионлаб йиллик геологик жараёнлардан тортиб, бугунги кун воқелиғигача қўзилган занжир каби тасвирлаш камданкам ижодкорға насиб этади.

Китоб ЎзФА академиги Аҳмадали Асқаровнинг сўзбошиси ва техника фанлари доктори, профессор Фарҳод Раҳимовнинг сўнгги сўзи билан якунланган мукаммал бадий-илмий мажмуа сифатида шаклланган. Асарнинг тарихий тузилиши ўзига хос: тўпплам “Дунё” шеъри билан бошланиб, кетма-кет табиий-фалсафий тушунчалар (“Тўпроқ”, “Сув”, “Ҳаво”, “Тафғ”, “Биохаёт”), сўнгра диалектиканинг мумтоз категориялари — “Микдор”, “Сифат”, “Меъёр” шеърларига ўтади. Бу тизимлилик тасодифий эмас: муаллиф аввал борлиқнинг умумфалсафий асосларини белгиллаб, сўнгра шу асос устига Тошкент ва Тошкент воҳасининг конкрет тарихини қуради.

Асарнинг марказий қисми Тошкент воҳасининг қадимий тарихиға бағишланган: “Обираҳмат

лицистик кескинлик ва фуқаролик пафоси бахш этади.

Асарнинг алоҳида қатламини Тошкентда яшаб ижод этган ёки Тошкент тарихи билан боғлиқ бўлган буюк сиймоларға бағишланган шеърӣ тимсоллар ташкил этади. Улар қаторида Хожа Аҳрори Бакий, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Ҳазрат Навоий, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Яссавий каби сиймолар бор. Шунингдек, жаҳон ва ўзбек адабиёти классиклари — Низомий, Фирдавсий, Рудакий, Шота Руставели, Ойбек, Ғафур Ғуллом, Зулфия, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор каби шоир ва ёзувчиларға бағишланган шеърлар туркуми тўппламға қиёсий адабий аҳамият бахш этади. Бу туркум орқали шоир Тошкентни нафақат маҳаллий, балки жаҳон маданияти контекстида ҳам кўрсата олган.

Тўппламнинг сўнгги қисми замонавий Тошкентнинг моддий-маънавий қиёфасини — метро, телеминара, миллий кутубхона, Адиблар хиббони, Темурийлар тарихи давлат музейи каби объектларни, шунингдек, Бектемир туманига оид шахсий-лирик туркуми ўз ичига олади. Бу қисм асарға интим, самимий оҳанг бахш этиб, қўламдор фалсафий-тарихий мазмунни инсоний, кундалик ҳаёт билан боғлайди.

Академик Аҳмадали Асқаров сўзбошисида таъкидлаганидек, Хушбўқ Раҳим — математик тафаккурға эга шоир бўлиб, унинг ижодида микдор ва сифат категориялари алоҳида ўрин тутайди. Дарҳақиқат, тўппламини ўқир эканмиз, шоирнинг ҳар бир тарихий далилини рақамлар, саналар, аниқ манбалар билан мустаҳкамлашға интилиши, изоҳ ва ҳошиялардан фаол фойдаланиши кўзға ташланади. Бу — асарнинг илмий-публицистик қиммати ошувчи муҳим хусусиятидир, зеро китобхон ундан нафақат бадий завқ, балки тарихий-маърифий билим ҳам олади.

Тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам тўпплам диққатға сазовор. Шоир кўллаб шеърларида архаик ва диалектал сўзларни (“қорсон”, “Ҳастимом”, “Обираҳмат”), шунингдек, тарихий-этнографик атамаларни фаол қўллаб, уларға илмий изоҳлар бериб боради. Бундай ёндашув асарнинг бир вақтнинг ўзида ҳам бадий, ҳам маърифий-луғавий манба сифатида қиймат қасб этишиға хизмат қилади.

Асарнинг шахсий-биографик қатлами ҳам эътиборға лойиқ: китоб муаллифининг устози, фалсафа фанлари доктори, профессор Абдурахмон Ортиқов хотирасига бағишланган бўлиб, бу ҳолат асарға илиқ инсоний эҳтиром оҳангини бахш этади. Шунингдек, тўпплам сўнггида берилган Тошкентнинг тарихий ва замонавий обидалари, ёдгорликлари ҳамда давлат рамлаларининг фотосуратлари матннинг тарихий-ҳужжатли қимматини янада оширган.

Бир сўз билан айтганда, “Тошкентим — дунёлар бешиги” бугунги ўзбек шеърятига камданкам учрайдиган, тарих, фалсафа ва бадий сўзни ўйғунлаштирган йирик миқёсли асардир. У нафақат адабиётшунос ва тарихчилар, балки Тошкент воҳаси ўтмиши ва бугунги кун билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси, шунингдек, олий таълим муассасаларида ўзбек адабиёти ва маҳаллий тарих фанларини ўқитувчи педагоглар учун ҳам қимматли қўлланма вази фасини ўташи мумкин. Асарни Тошкент шаҳри ва вилояти тарихиға бағишланган бадий-публицистик асарлар қаторида муносиб ўрин эгаллашға лойиқ деб ҳисоблаймиз ва устозимизни ана шу мухташам асар билан чин дилдан табриклаймиз.

Гуладном ТОҒАЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси,
филология фанлари номзоди.

ИЖОД УММОНИДАН САРА ГАВҲАР

ёзувчи Иzzат Аҳмедовнинг “Устун қучоқлаган йигит” китоби ҳақида



муаллифнинг теран мушоҳадалари орқали ёритилган. Мақолаларни ўқиркансиз, беихтиёр чуқур ўйға толасиз. Масалан, отанинг оиладаги ўрни ҳақидаги фикрларни олайлик: ота — хонадоннинг устуни, қалқони. Агар бу миқёсни кенгайтириб, бутун бир мамлакатға қиёсласак, етакчининг ўрни нақадар муҳимлиги, узи юрта тартиб ва тараққиёт бўлмаслиги ҳаётӣ мисоллар ёрдамида очиб берилади. Шунингдек, бу бўлимда янгиланаётган Ўзбекистондаги бунёдкорлик ишлари ва мустақилликнинг қадри ҳақидаги салмоқли мақолалар ҳам жой олган бўлиб, улар ўқувчини Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашға ундайди. Муаллиф бугунги ислохотлар ўз-ўзидан бўлмайётгани, уларнинг ортида қанча машаққат ва меҳнат ётганини таъсирчан сўзлар билан тушунтириб беради.

Иккинчи қисм — “Сирли хилқатлар”. Бу бўлим ўқувчини диёримизнинг гўзал ва бетакрор табиати қўйниға етаклайди. Жаннатмонанд юртимиздаги биз баъзан эътибор бермайдиган, аммо кўзни қамаштирадиган ғаройиб масканлар тасвири кишини ҳайратта солади. Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон сайёҳлари учун ўз эшикларини кенг очаётган, туризм жадал ривожланаётган бир пайтда мазкур мақолалар нафақат маърифий, балки Ватан табиатини тарғиб

қилишдек муҳим аҳамиятға ҳам эгадир.

Учинчи қисмда тарихий сиймолар ва мозий садоси акс этган. Бу ерда дунёни лол қолдирган буюк аждодларимиз — Султон Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ҳамда фаолиятига доир қизиқарли тафсилотлар ўртаға ташланади. Тарихнинг буюк саҳифаларини варақлаш асосида муаллиф бугунги авлодни улўғ боболаримизға муносиб ворис бўлишға чорлайди.

Тўппламнинг сўнгги қисмидан эса муаллифнинг моҳир таржимон сифатидаги меҳнатлари махсус ўрин олган бўлиб, хориж адабиётининг сара намуналарига оид маълумотлар ўқувчиларнинг дунёқарашини янада бойитишға хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, “Устун қучоқлаган йигит” — шунчаки мақолалар тўпплами эмас, балки узоқ йиллик ижодий тажриба, ҳаёт мактаби ва теран тафаккур мевасидир. Ишонамизки, бу китоб ҳар бир маърифатпарвар инсоннинг жавонидан муносиб жой эгаллайди ва ўқувчиларнинг энг яқин ҳамроҳиға айланади.

Лобар КАНДАХОРОВА,
“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи муҳаррири.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси	Бош муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатға олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нарҳда	Таҳририятға келган хатлар доимий эътиборимизда. Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар. Адади: 3653 Буюртма — Г-744 Топширилиш вақти — 21⁰⁰ Топширилди — 21¹⁵	Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91 Тел-факс: (71) 244-32-80 Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70	Мазиллимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Эркин Ёлғоров томонидан саҳифаланди. Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов, Мусаҳҳиҳ: Зухра Ҳасанова. “Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
--	--	---	---	--



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташкилотлар
учун — 233